Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Узбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 7 апрель, пайшанба № 71 (21.675). Сотувда эркин нархда.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

5 апрель куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Корея Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Се Гён И жанобларини қабул қилди.

Элчи Корея Республикаси Президенти Ким Ен Саммнинг қизғин саломини етказар экан, икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш йўлида бор куч-ғайратини сафарбар этишни таъкидлади.

— Корея жуда қисқа муддатда юксак тараққиётга эришган мамлакатдир, — деди Ислом Каримов. — Бу корейс халқининг билими, ҳалол меҳнати самарасидир. Биз Кореянинг «ДЭУ», «Самсунг» сингари бир неча йирик компаниялари билан ҳамкорлик қиляпмиз. Ўйлайманки, бу дўстона алоқалар янада кенгаяди.

* * *

Шу куни Ислом Каримов Жанубий Африка Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Корнелиус Франсуа Якобсни қабул қилди.

Элчи Жанубий Африка Республикаси Президенти Фредерик Де Клеркнинг самимий саломини етказди. Ҳар икки мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ва демократик ислоҳотлар ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбари Президент Фредерик Де Клерк ва Жанубий Африка Миллий Конгресси раҳбари Нельсон Мандела тинчлик йўлидаги хизматлари учун Нобель мукофоти билан тақдирланганини эслатиб, уларга ўз номидан қизғин салом етказишни сўради.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов иштирок этди.

(ЎЗА).



Бойназар ота табаррук кишилардан. 75 йиллик умрининг қарийб 60 йили меҳнат билан ўтди.

Уч йил бурун «Янги ҳаёт» давлат хўжалигидан 2,5 гектар ер, банкдан қарзга 20 минг сўм олиб хусусий ферма ташкил этди.

Ҳозир оила қарамоғида юздан знёд мол бор. 10 гектар ерда озуқа етиштирилади. Фермер хўжалиги бу йил давлатга камида 14 тонна сут, икки тоннадан знёд гўшт сотишни режалаштиришган.

СУРАТЛАРДА: 1. Оила бошлиғи Бойназар ота Холиқов. 2. Сигирларни соғишда отанинг қизи Ҳолида ва келини Нигорага етадигани йўқ.

Б. ТУРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Тошкент.

Қадрли Президент жаноблари.

Кези келганидан фойдаланиб, ЮНИСЕФ ижроия директори лавозимига Америка номзоди доктор Вильям Х. Фоугни қўллаб-қувватлаб юборган мактубингиз учун миннатдорлик билдираман. Биз бу лавозимга болаларни қутқариш ҳаракатининг атоқли раҳбари ва халқаро етакчиси доктор Фоуг номзодини кўрсатиб, саломатлик ва болалик муаммолари биз учун жуда муҳим аҳамиятга моликлигини, биз БМТ тизимида ЮНИСЕФнинг устиворлик мавқеини қўллаб-қувватлашни давом эттираверишимизни яна бир бор таъкидладик.

Ўзбекистон ҳукумати ЮНИСЕФ ижрочи директори лавозимига бизнинг номзодимизни қўллаб-қувватлаганини мен жуда қадрлайман. Халқаро ташкилотларда ҳамкорлик қилаётган мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро фойдали ва дўстона муносабатлар давом эттирилади, деб умид қиламан.

Самимий ҳурмат билан,
Вильям Ж. КЛИНТОН.

КАТТА ТЕАТРДА—БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Миробод тумани кенгаши бошланғич партия ташкилотларининг сони яна биттага кўпайди.

Ўзбекистон ХДПнинг Низоми билан яхши таниш бўлган, Дастурида маданият ва қадриятларга алоҳида эътибор берилганлигини кўрган тўрт санъаткор унинг сафларида бўлишни истаб, туман партия кенгашига ариза берган эди. Куни кеча уларга, яъни Тошкентдаги Алишер Навоий номли Ўзбек давлат академик Катта театрининг вакиллари: бош дирижёр, Ўзбекистон халқ артисти Ҳ. Шамсиддинов, театр касаба уюшмаси қўмитасининг раиси, республикада хизмат кўрсатган артист В. Егай, режиссёр А. Слоним, созанда Ҳ. Набиевларга Миробод тумани партия кенгаши биринчи котиби З. Асадов партия билетларини топширди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Катта театрдаги аъзолари сафи кенгайиб, бу ерда мустақил бошланғич партия ташкилоти тузилди.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

РАҲБАР МАСЪУЛИЯТИ

Ҳар ким ўз ишини — деҳқон деҳқончилигини, қурувчи қурувчилигини, ҳоким ҳокимлигини қилсин! Агар бу талаб кўп эмас, атиги бир йил аввал қўйилганида ҳам, бунга шароит йўқ-ку, деган эътироз тилга чиқмаса-да, дилдан кечган бўлар эди. Лекин ҳозир аҳвол тамомила бошқача. Тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш учун халқаро андозаларга мос қонунлар қабул қилинди. Ҳукумат бу соҳага катта-катта сармоя ажратмоқда. Банкларнинг асосий сармоялари ҳам биринчи навбатда ишбилармонларни, фермерларни ва хусусий мулк эгаларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Турли поғонадаги текшириш ва назорат тизими соддалаштирилди. Мустақил ишлаш, халқини бадавлат, ўз қишлоғи, тумани, вилоятини фаровон ва обод қилиш учун раҳбарга кенг имкониятлар яратиб берилди. Бас, шундай шароитда раислик, ҳокимлик, умуман раҳбарлик масъулиятини зиммага олиб, кураш майдонига чиққан эканмиз, энди шунга муносиб бўлайлик!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26 март куни вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг катта гуруҳи билан ўтказган учрашувида ана шулар ҳақида ўйладим. Ўзим учун жуда муҳим хулосалар чиқариб олдим. У ҳам бўлса, бутун эътиборни ислоҳотни амалга ошириш ва ҳаётга, ижро интизомини мустаҳкамлаш, адолатни ҳамма жойда қарор топтириш, барчага бир хил кўз билан қараш, ана ўшанда гуруҳбозликка ўрин қолмайди. Норозичиликлар барҳам топади. Раҳбар бамисоли оиланинг отаси. Фуқаролар катта умид ва ишонч билан унинг фаолиятига кўз тикиб туради. Раҳбарнинг барча хатти-ҳаракати халқнинг кўз ўнгида, назарида бўлади. Бошқалар ундан ибрат, андоза олади.

Бироқ масаланинг иккинчи томони ҳам бор: раҳбар амал курсисини жуда аввалдан, фақат хато қилиб қўймаслик ҳақида ўйлайверса, ишида унум бўлмайди. Дадиллик, жасурлик ва ғайрат топилмаган жойда ислоҳотнинг муваффақияти ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Қолаверса, енг шимариб, иштиёқ билан ишлаётган кишининг хато қилишга вақти бўлмайди, деган гап ҳам бор.

Вилоятимизда ислоҳотлар ҳамма жойда ва ҳамма соҳада юз фоиз муваффақиятли боряпти, деб бўлмайди. Аммо Фарғонанинг ижтимоий-иқтисодий шароитини ҳисобга олган ҳолда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишга қаратилган ишларни изчил давом эттирмоқдамиз. Ўрни келиб қолгани учун шуларнинг айримларини санаб ўтаман.

Вилоятимизда аҳоли ниҳоятда тиғиз жойлашган. Халқимиз ҳамма ўзбеклар каби серфарзанд, болажон. Табиийки, бундай оилаларда нон ва нон маҳсулотлари кўп истеъмол қилинади. Ҳозир четдан келтириладиган ғаллага кўз тикиб, муаммони ҳал қилиб бўлмайди. Хўжаликларга берилган эркинликдан фойдаланиб, пахта яккаҳокимлигига барҳам берган ҳолда, ўтган йилнинг кузидан ғаллазорлар майдонини кескин кенгайтирдик. Ҳозир 55 минг гектар майдонда кузги ғалламиз барқ уриб ривожланмоқда. Тасаввур қилинг, ўн йил аввал Фарғона вилоятида 55 минг гектар ерга ғалла экишга рухсат берган раҳбарнинг пахта душмани сифатида алақачон ковуши тўғрилаб қўйилган бўлур эди. Энди эса Президентимизнинг ўзлари, ғалла эк, мол-қўйни кўпайтир, деб қишлоқ аҳлини рағбатлантирмоқда. Яширмайман, менга ҳам озми-кўпми буйруқбозликка, маҳкамачиликка таянган тузумнинг нуқси урган. Лекин халқига томорқа бермаётган, фермернинг оёғига тўғаноқ бўлаётган, ғалла экмаётган хўжалик, туман раҳбарларига ҳеч тоқатим йўқ.

Ғалла экиш жараёнида яна бир масалани ҳал қилишга тўғри келмоқда. Ғалла унча кўп экилмаган ўтган йилиёқ етиштирилган донни саранжомлаб олиш бизни анча шошириб қўйган эди. Шунинг учун ҳозирдан ҳар бир шаҳар ва туман марказида икки-учтадан макарон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цехлар қуряпмиз. Қатор туманларда ана шундай цехлар ишга тушиб маҳсулот бера бошлади. Демак, дон ҳам, нону макарон ҳам, фермерларимиз учун ем ҳам энди ўзимиздан чиқади.

Халқимиз эҳтиёжи учун етишмаётган яна бир нарса картошка эди. Ўтган йили Голландия усулида картошка экиб, зарур миқдорда уруғлик ғамлаб қўйдик. Картошкачилик билан шуғулланадиган хўжаликларнинг мутахассис-деҳқонлари Голландия усули билан яқиндан танишди. Бу йил картошка экишни қулай муддатларда ўтказиш учун барча тайёргарликни кўриб қўйганмиз.

Бизни қийнаётган муаммолардан яна биттаси қурилиш материалларининг етишмаслигидир. Туманлар, қишлоқлар бўйлаб машинада айланиб кўрсангиз, пойдевори, хатто девори тикланиб, сўнг тўхтаб қолган қурилишларга кўзингиз тушади. Тахта-ёғоч тақчил, бори ҳам жуда қиммат. Ўзингда йўқ — оламда йўқ, дегани шуда. Биз бу масалани ҳал қилиш учун анъанавий усулни қўлладик. Фарғонада терак етиштиришнинг миришкорлари кўплаб топилади. Заурат тажрибаси билан кейинги пайтда деярли ҳар бир хонадонда терак етиштирилмоқда. Теракзорлар барпо этиш ҳақидаги ҳукумат қарори бу соҳани хўжаликлар ва туманлар миқёсида ривожлантиришга йўл очди. Бу йил 600 минг гектар теракзор бунёд этяпмиз. Келажакда Фарғона ўзини-ўзи ёғоч билан, қоғоз саноатини хом ашё билан таъминлайди, деган катта ниятимиз бор.

Мустақиллик шарофати ва ҳукуматимиз раҳбариятининг ташаббуси билан мен ҳам айрим ривожланган мамлакатларнинг ҳаёт тарзи билан яқиндан танишиб қайтдим. Агар ҳозир Голландияда кўп нарса ўргандим ва уни албатта вилоятимизда қўллайман, десам лоф бўлади. Чунки денгиздан ер «тортиб олиб» қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш даражасида ривожланган голландча иш усули неча ўн йиллар мобайнида шаклланган. Лекин уларнинг хўжалик юритиш усулида биз фойдаланишимиз мумкин бўлган жиҳатлар кўп экан. Хусусан, фермер талабга қараб қайси маҳсулотдан қанча етиштиришни ўзи белгилайди. Ҳукумат уларнинг ишига аралашмайди. Уларни кўриб ҳавасимиз ортди. Биз ҳам худо хоҳласа, шу даражага етишамиз.

Сафардан яна бир хулоса: Голландия заминини бизнинг Фарғонага солиштириб кўрсангиз, Президентимиз куйиниб айтганларича бор, биз хазинанинг устида яшаяпмиз. Боз устига, халқимиз меҳнаткаш ва оқкўнгил. Фақат биз, раҳбарлар уни тўғри йўлга бошласак, бу меҳнаткаш халқ билан тоғни талқон қилиш мумкин.

Барча шаҳар ва туманларимизда хорижий фирмалар билан ҳамкорликдаги қўшма корхоналар сони ортиб боряпти. Ўтган йили Туркиянинг Бурса вилояти билан ўзаро алоқа боғлаган эдик. Вилоят волийси бошлиқ вакиллар бизнинг ишимиз билан яқиндан танишиб, бир қанча соҳаларда ҳамкорликни таклиф этишди. Яқинда Япония ва Америка Қўшма Штатларидан келган ишбилармонлар марғилонлик ипакчилар ва риштонлик кулолчилар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома имзолади. Буюк Британиядан ҳам тадбиркорларни таклиф қилганмиз. Бир сўз билан айтганда, дунёни кўриб иш ўрганяпмиз. Илгор мамлакатларда юз йиллардан буён бозор иқтисодиёти йўлидан борилляпти. Биз ҳам уч йилда бир оз тажриба тўпладик, десам муболаға бўлмайди. Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос йўли катта истиқболга олиб чиқишига ишончимиз комил. Бу ишонч ҳар бир фарғоналик қалбида куртак ёзиб, тобора ривож топаётганидан қувонамиз.

Мирзажон ИСЛОМОВ,
Фарғона вилояти ҳокими.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Гулистонда ХДП Сирдарё вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Шу масала юзасидан ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби У. Усмонов маъруза қилди.

Маърузачи ҳамда музокараларда қатнашганлар Бухоро вилояти сессиясида тилга олиб ўтилган камчиликлар Сирдарё вилоятида ҳам мавжуд эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Жумладан, ўтган йили баъзи хўжаликларнинг айби билан вилоят бўйича 6,5 минг гектар ерга кузги ғалла экилмай қолди. Гўшт, сут, тухум етиштиришни кўпайтириш, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ривожлантиришда жиддий камчиликлар мавжуд. Касалхоналарга ўтган йили белгиланган балиқнинг бор йўғи ўн фоизигина берилган, холос. Сариёғ, гўшт, тухум маҳсулотлари билан етарли даражада таъминланмаётир. Бу камчиликларни бартараф этишда жойлардаги партия ташкилотлари хўжалик ва бошқа идоралар қаторида масъулиятни ўз зиммаларига олишлари лозимлиги, Президент Фармонларининг бажарилиш юзасидан фаол иш олиб борилиши зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан қизғин мунозаралар бўлди ҳамда тегишли қарор қабул қилинди.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РУҲИ ТЕТИКНИНГ —ИШИ ТЕТИК

5 апрель. Бу кунга нафақат республикамиз ёшлари, балки МДҲ давлатлари ва хорижлик ёш дўстларимиз кўз тикиб турди. Шу куни Тошкентда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг XXVI қурултойи бўлиб ўтди.

Тарихий аҳамиятга молик қурултойнинг очилиши олдидан мадҳиямиз янгради. Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг қурултой қатнашчиларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов ўқиб берди.

Шундан сўнг Ўзбекистон ЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Алишер Тешабоевнинг 1991 — 1994 йиллар мобайнида, ўтиш даврида амалга оширилган ишлари юзасидан ҳисоботи тингланди.

У Президентимизнинг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлиги ва йўллаган табриги учун миннатдорчилик билдириб, маърузасида миллионлаб республикамиз ёшлари амалга ошираётган ишлар, иқтисодий қийинчиликлар давридаги ёшлар олдида турган муаммолар ҳақида тўхталиб ўтди. Маърузачи «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонун ҳаётдаги ва иш фаолиятимиздаги дастуримиз бўлиши зарур, деб таъкидлади. Экология ва ёшлар саломатлиги борасида олиб бораётган «Орол ёшлари» дастурининг бажарилиши, хуллас, амалга оширилган ва оширилиши муҳим бўлган келгусидаги вазифаларни очиқ-ойдин айтиб, уни ҳаётга амалий татбиқ этиш йўналишлари бўйича фикрларини билдирди.

Танаффусда бир гуруҳ делегатлар ва қурултой меҳмонлари билан суҳбатлашдик.

Носир УМАРОВ, Жиззах шаҳар ЁИ биринчи котиби: — Ҳозиргина Ўзбекистон ЁИ Марказий Қўмитаси биринчи котибининг маърузаларини тингладик. Унда ташкилотимизга ишончни ортириш, кадрлар сиёсатини яхшилаш, иқтисодиётимизни мустаҳкамлашда ёшларнинг кўмагини кучайтириш акс этган. Демак, ёшларимиз ҳаракатда.

Ҳалимжон УЛЖАЕВ, Тожикистон Республикаси Турсунзода шаҳар ижроқўми Ёшлар спорт ва саёҳат бўлими мудири: — Тожикистондан 11 нафар ёш фаоллар келдик. Икки ҳафта олдин республикамиз ёшларининг I қурултойи бўлиб ўтган эди. Унда Ўзбекистонлик дўстларимиз ҳам қатнашганди. Мақсадимиз дўстона алоқаларимизни яхшилашга ҳиссамизни қўшиш. Сиз ларнинг ёшларингиздан кўра бизнинг ёшларимиз олиб борадиган ишларнинг фарқи кўп. Чунки Ўзбекистондаги тинчлик ва тотувликнинг ўзи катта ишларни амалга оширишга имкон яратади.

Делегатлардан марғилонлик Тожиали Бобожонов, сурхондарёлик Амирқул Муродов, фарғоналик Илҳомжон Хўжаевлар ҳам қурултойда билдирган, билдирилган фикрларнинг амалга оширишга ишонч юртбошимизнинг ёшларга эътибор беравётганидан туғилганлигини айтишди.

Республикамиз ёшларининг XXVI қурултойида Ўзбекистон Болалар ва Ўсмирлар уюшмасини Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи таркибига қабул қилиш масаласи кўрилди. Ўзбекистон ЁИ Ҳаракат дастури, Низоми, Назорат комиссиялари тўғрисидаги Низомга ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар киритилди.

Анжуман қатнашчилари Президентимизнинг «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак» деган ҳароратли сўзларини ЁИ шиори этиб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Президентимиз номига қурултой қатнашчилари мактуб йўлладилар.

Ўзбекистон ЁИ раҳбар органлари сайландилар. Алишер Тешабоев қурултойда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби этиб сайланди.

Республикамиз ёшларининг XXVI қурултойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Мавлон Умурзоқовнинг «Жасорат бизнинг қисматимиздир» мавзусидаги маърузаси зўр қизиқиш билан тингланди.

Қурултой ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Муҳаммаджон Қорабоев, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Уббинияз Аширбеков, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби Маҳмуджон Расулов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Ҳулкар Жамолов иштирок этишди.

СЎНГГИ СЎЗ: Дарҳақиқат ёшларимизнинг XXVI қурултойи якунланди. Аммо, ёшлар олдидаги ишлар ҳали тугамайди. У талайгина. Муҳими, қурултойдан унинг иштирокчилари яхши кайфият ила қайтишди. Халқимизда: «Руҳи тетикнинг — иши тетик», деган гап бор. Демак, бундан кейин Ёшлар Иттифоқи даҳил однмлар ташлаб ҳаракат қилишига ишониш мумкин.

Эркин ЭСИРГАПЧЕВ,
Комил УЛУГОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

«ЎЗАГРОҚУРИЛИШ» БИРЛАШМАСИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ЖАМОАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИГА

МУРОЖААТИ

Азиз ватандошлар!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги қарор топаётган ҳозирги мураккаб даврда республика Президенти ва ҳукумати тинчлик, барқарорлик, осойишталик, қадимий ва сахий заминимиздаги ҳар бир хонадонда миллатлараро ва фуқаролар тотувлигини таъминлаш борасида муҳим чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Республикамиз аҳолиси бозор муносабатлари шароитида аждодларнинг тарихий анъаналарига риоя қилган ҳолда тинч ва бунёдкорлик меҳнатини давом эттирмоқда.

Республика Президенти ва ҳукумати ўтказаётган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг асосий йўналиши жамиятнинг ҳамма нарса инсон учун, унинг ҳуқуқлари ва фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий вазифаларини ҳал этишдан иборат.

Биз, республиканинг қишлоқ қурувчилари буни яхши ҳис этамиз ва шунинг учун ҳам барча қийинчиликларга қарамасдан қишлоқдаги қурилиш ҳажмларини сақлаб қолишга, Президентнинг қишлоқдаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган дастурини самарали равишда амалга оширишга ҳаракат қилмоқдамиз. Натижада ҳар йили янги-янги болалар боғчалари, мактаблар, шифохоналар, поликлиникалар ва бошқа иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда.

Биз кейинги пайтда қурилиш қийматининг кескин ошиб кетгани уй-жой қурилишига маълум даражада таъсир этаётгани, бу эса ўз навбатида республика аҳолисининг катта қисмини яхши уй-жой қуриш имконидан маҳрум этаётганини кўриб турибмиз.

Республика ҳукумати аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш бўйича юргизаётган сиёсат уй-жой қурилишини ривожлантиришга янги омил бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда қабул қилган «Республикада уй-жой қурилишини рағбатлантириш ва ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони аҳолининг муҳтож қисмини уй-жой муаммосини ҳал қилишда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий муҳофаза этишни таъминлайди.

«Ўзагроқурилиш» бирлашмаси қурувчиларининг кўп минг кишилик жамоаси Президент Фармонини зўр мамнуният билан кутиб олди ва бу умумхалқ ишига ўз ҳиссасини қўшишга аҳд қилди.

Бирлашманинг барча ташкилот ва корхоналари Фармонда кўрсатилган бинокорлик материалларига ва умуман уй-жой қурилишига имтиёзли баҳолар белгиланганига асосланиб, бошқарув ташаббусини қўллаб-қувватлаб, қишлоқ меҳнаткашлари учун даромад ва нарх белгилашнинг бошқа омилларини истисно қилган ҳолда фақат таннарх бўйича уй-жой қуриб беришга қарор қилди. Пудратчи ташкилотлар бизнинг бу тадбирларимизни амалга оширишга туфайли уй-жой эгасига ўз нархидан ўттиз фоиз арзонга тушади.

Ўзбек халқининг ҳар бир оила бошлиғи ҳеч бўлмаганда битта уй қуриши лозимлиги тўғрисидаги кўп асрлик анъанасини ҳисобга олган ҳолда биз қишлоқ меҳнаткашларини чала қолган иморатларни материал билан таъминлаш, янги иморат қуриш бўйича шартномалар тузиш юзасидан бизнинг ташкилотларимизга мурожаат қилишга чақирамиз. Биз қурган уйлар сифатига кафолат берилади.

Биз якка тартибда уй-жой қуришни арзонлаштириш бўйича кўраётган чора-тадбирларимиз республикамиз Президенти Фармонини бажаришга қишлоқ қурувчиларининг муносиб ҳиссаси бўлади ва келажакда қишлоқ меҳнаткашларининг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш ва манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашади, деб ишонамиз.

ЦЕХ ЎРНИДА ТЕГИРМОН

● Қизилтепа дон маҳсулотларини қабул қилиш корхонасида олдин омухта ем ишлаб чиқарилган ва кейинги ўн йилда ишлатилмай қўйилган цех ўрнида тегирмон барпо этилди.

Бу ишга бир неча миллион сўм маблағ сарфланди, холос. Кичик заводни Каттақўрғондан келган «Фаол» ширкати монтаж қилиб, ишга туширди. Зарур материаллар Тошкент, Бухоро, Навоий шаҳарларидан, шунингдек, бошқа қўшни вилоятлардан келтирилди.

Айни пайтда ҳар кеча-кундузда 60 тонна ун тайёрлайдиган тегирмон бир маромда ишлаб, маҳсулот бераётир.

Баҳодир ЭГАМОВ.

ХДП: котиблар иш тажрибасидан

ИШИ БИТМАЙ ҚАЙТМАЙДИ

Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳри республикамиздаги байналмилал шаҳарлардан бири. Айни пайтда Олмалиқда 27 миллат вакили ўзаро дўст-биродар, ишлаб чиқаришда ҳамкор бўлиб фаолият кўрсатмоқда.

Хўш, шаҳарда партия ҳаёти қай даражада шакллланмоқда? Унинг ўрни қандай? Яқинда шу саволларга жавоб топиш мақсадида Ўзбекистон ХДП Олмалиқ шаҳар кенгашининг биринчи котиби Турдиали АЛИМОВ бнлан мулоқотда бўлдик.

— Турдиали Эргашевич, албатта, кўп миллатли Олмалиқ шаҳрида партиявий ишларни юргизишда ўзига яраша қийинчиликлар ҳам бўлиши мумкин. Аммо, шунга қарамасдан биргина шу йилнинг январь, февраль ойларида аъзоларингиз сафи яна 50 нафарга кўпайибди.

— Гапларингиздан бунга қандай эришяпсизлар, аҳоли ишончини қозонишнинг сабаблари нимада демоқчисиз-да.

— Шундай.

— Дарҳақиқат, ҳисобимизда турадиган аъзоларимизнинг асосий қисми ёшлар ва рус миллати вакилларидир. Маълумки, ҳозирги ёшларни ёки кенг жамоатчиликни қуруқ гап билан эргаштириб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан ўз ишимдан тўла қониқиш ҳосил қилмасам-да, кенгаш идорасига келган кишининг иши битмай қолгани йўқ. Ўтган йили 1334 ишсиз бевосита бизнинг аралашувимиз билан ишлаб чиқаришга жалб этилди.

— Демак, шаҳар меҳнат биржаси билан ҳамкорликларингиз ҳам партия нуфузини оширишга ҳисса қўшмоқда.

— Албатта, бундан ташқари шаҳар маданият уйи билан бўлган мустаҳкам алоқамиздан ҳам ютқазганимиз йўқ. Корхона, муассаса, мактаб ёки маҳаллада бирор тадбир ўтказилса санъаткорлар, кутубхоначилар ўз хизматини аямайди. Шундай учрашувларда шаҳар партия кенгаши фаоллари юртбошимиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасидаги фармонлар моҳиятини кенг оммага етказишга имкон туғилади. Қолаверса, Президентимиз кейинги пайтда тадбиркорларга, фермерчиликка эътиборни кучайтирди. Албатта, иқтисодий қийинчиликлардан яқин ўртада чиқиб кетиш учун аҳамиятли бўлган Фармон ва қарорларнинг жойларда бажарилишини таъминлаш, бу борада тадбиркорларга кенг йўл очишга имкон яратиш ўрнига, бюрократик йўл тутаётганларга қарши курашишда ҳам ўзимизни масъул, деб биламиз.

— Шаҳарда ҳудудий партия ташкилотлари сафини кенгайтираётган экансизлар, шу хусусда ҳам фикрларингизни билмоқчи эдик.

— Ҳар бир ишни бошлашда эҳтиёж ва талаб ҳисобга олинади. Шундан келиб чиқиб, ҳудудий партия ташкилотлари сафини кенгайтирямиз. Ўтган йилнинг январь ойида тузилган Абдулла Қодирий ва Чамбил маҳаллалари ҳудудий партия ташкилотларида дастлаб 3-4 нафардан ХДП аъзолари бор эди. Ҳозир Абдулла Қодирий маҳалла ҳудудий партия ташкилоти аъзолари сони 52 нафарга, Чамбил маҳалла ҳудудий партия ташкилоти аъзолари эса 34 нафарга етди. Ҳар иккала маҳалла партия фаоллари 1993 йил давомида маҳалла аҳли орасида бирорта ҳам жиноят ёки майда тартиббузарликка йўл қўймаганлиги ҳам ҳудудий партия ташкилотларининг зарурлигини тақозо этмоқда.

Кенгашимиз ҳузурида хўжалик, тижорат ва тадбиркорлик ишларини ривожлантириш мақсадида маслаҳат маркази ишлаб турибди. Марказ ходимлари тадбиркорларга тавсиянома ёки бошқа ҳужжатлар тайёрлашда бепул ёрдам беради.

Суҳбатдош Эркин ЭСИРГАДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲИССА БЎЛИБ ҚЎШИЛАДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган вилояти кенгаши вилоят ҳокимлиги ва Наманган Давлат дорилфунуни билан ҳамкорликда «Миллий истиқлол мафкурасини ўрганиш—ҳаётий эҳтиёж» мавзуида семинар-кенгаш уюштирди. Унга шаҳар ва туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари, ЎзХДП Марказий Кенгаши аъзолари, шаҳар ва туман кенгашларининг биринчи ва иккинчи котиблари, йирик меҳнат жамоаларидаги бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, касаба уюшмалари ва Ёшлар Иттифоқи, олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртлари, бир қатор вилоят ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилди.

Семинар-кенгашни вилоят ҳокимининг ўринбосари, ЎзХДП Марказий Кенгаши аъзоси Д. Дадажонова кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Фаёзов «Мафкуравий иш — Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари фаолиятининг устивор йўналиши» мавзусида маъруза қилди.

Р. ИРИСОВ.

• *Иқтисодий ислоҳот одимлари*

«УМИД»НИНГ ТАШАББУСИ

Вазирлик ва концерн вакиллари, барча вилоятлар ҳокимларининг муовинлари, олимлар, тадбиркорлар, фермер ва мутахассислар иштирок этган республика илмий-амалий анжуманида маъқулланди.

«Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотнинг янги даврига қадам қўйди. Бу босқичнинг асосий жиҳатлари нималардан иборат? — деган эди Президентимиз Ислом Каримов. — Илгари кўпроқ бозор муносабатларини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш билан шуғулланган бўлсак, энди амалий ишга ўтиш пайти келди».

Одамлар ислоҳотларнинг самарасини нима билан баҳолайдилар? Дастурхоннинг тўкин-сочинлиги билан. Бу эса қишлоқ хўжалигини қай даражада ривожлантиришга боғлиқ. Республикамиз раҳбарияти иқтисодий ислоҳотларни энг аввало, қишлоқ хўжалигидан бошлаганининг боиси ҳам шунда. Оддий ҳақиқат яна тасдиқини топди: «Деҳқони бадавлат юрт — обод бўлгай».

Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идораларо кенгаш йиғилишида республикамиз Президенти маҳсулот етиштирувчи деҳқон-фермерларга ҳар жиҳатдан ёрдам бериш, уларни ускуналар билан таъминлаш, керак бўлса имтиёзли қарзлар ажратиш, бу йўлдаги турли-туман ғовларни таг-томири билан бартараф этиш тўғрисида куюнчаклик билан гапирган эди.

Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида ўтган республика анжуманини очар экан, вилоят ҳокимининг муовини Н. Раҳимов юртбошимизнинг кейинги Фармонлари фермерлар учун кенг имтиёзлар яратиб берганини тасдиқлади.

— Вилоятимизда чорвачилик бўйича жами 532 та фермер хўжалиги ташкил этилган,—деди у. — Уларни ривожлантириш учун «Тадбиркорбанк» томонидан 620 миллион 500 минг сўм имтиёзли ссудалар берилди. Чорва наслчилик бирлашмаси 250 бош қорамол, 44 бош наслдор қўйларни фермаларга тарқатди. Чорва бош сони ортмоқда. Сут, гўшт, ва жун ишлаб чиқариш ҳажми кенгаймоқда. Аммо ҳали қилинадиган ишларимиз кўп. 1993 йилда асосан фермер хўжаликларини тузишнинг ташкилий асослари амалга оширилди.

Бу йил эса асосий эътибор маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилади.

Меҳмонлар Ўзбекистон туманидаги С. Азизов номли жамоа хўжалигининг «Умид» шахсий фермер хўжалиги, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг, «Чорвадор» ҳиссадорлик жамияти, «Ғаниобод» ширкатлар уюшмаси қошидаги техникаларни таъмирлаш ширкати ва «Техчорвасервиз»нинг махсус дўкони фаолиятлари билан танишган эдилар. Анжуманда сўзга чиққанлар «Умид» шахсий фермер хўжалиги уларда яхши таассурот қолдирганини алоҳида таъкидладилар. «Умид»нинг раҳбари И. Назаров тадбиркорлигига қойил қолганликларини билдиришди. Элнинг назарига тушгунча, хўжалигини ривожлантиргунча не кунларни бошидан кечирмади у. Қийинчиликларнинг ҳаммаси ортда қолди. Уч йил мобайнида Имомали катта ишларга қўл урди. Биргина мисол, қариндош-уруғларидан қарз ҳавола қилиб, иш бошлаган бу йигитнинг фермаси ўтган йилни 21 миллион сўм соф фойда билан якунлади.

Анжуманда шунингдек, фермер хўжаликлари олдида турган муаммолар ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ҳакимжон БЕРДИЕВ, — Республика қишлоқ хўжалик техникаси бошқармаси бошлиғининг ўринбосари: — Барча вилоятларнинг туманларига «Чорвасервиз» маҳсус дўконлари очдик. Фермер хўжаликларига керакли асбоб-ускуналарни шу жойдан харид қилиш мумкин. Лекин яна бир муаммо пайдо бўляпти. Масалан, битта Т-28 маркадаги трактор 25 миллион сўм туради. Фермер банкдан олган қарзига чорва олсинми ёки техника? Бунинг иложини топишга ҳаракат қиляпмиз. Барча ташкилотларимизга эски техникаларни таъмирлаб, фермерларга арзон нархда сотишни буюрдик.

Алижон ЮСУПОВ, — «Тадбиркорбанк» республика бошқармасининг раиси: — 10 март куни Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз биз банк ходимлари камчиликларини рўй-рост очиб ташладилар. Билдирилган танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда чора-тадбирлар белгиладик. Банкдан ссуда олишнинг йўл-йўриқлари ҳақида фермерларимиз тўлиқ маълумотга эга эмаслигининг гувоҳи бўляпмиз. Шу боис махсус гуруҳлар тузиб, улар орасида тушунтириш ишлари олиб борамиз. Керак бўлса, уларга жойларнинг ўзида ёрдам кўрсатилади.

Бегижон РАҲМОНОВ, — Республика қишлоқ хўжалик вазирининг ўринбосари: — Яқинда вазиримиз Жиззахдан куюниб қайтиб келдилар. Фаоллар йиғилишида фермерлар ўртага ташлаган масалалардан шу нарса маълум бўлибдики, улар хўжалик юритишнинг бу янгича усули ҳақида тўлиқ билимга эга эмаслар. Мана, бугунги анжуманда вилоятлар ҳокимларининг муовинлари, мутахассислар йиғилишган. Бу борада биз уларнинг кўмагига таянамиз. Шундай қилайлик, фермер қилаётган ишнинг моҳиятини тушуниб етсин, ортиқча оворai сарсон бўлиб, ишдан ҳафсаласи совимасин,

Саидмаҳмуд УСМОНОВ,— Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги: — Фикру-зикримиз ислоҳотларни муваффақиятига қаратилиши лозим. Биз олимлар уни ўз вақтида таҳлил этиб, маслаҳатларимизни берамиз. Назарияларни амалга оширсакгина қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тўкин-сочинлигига эришамиз, юртда осойишталик барқарор бўлади. Америкадек давлат фермерлик соҳасида икки юз йилда эришган ютуқларни биз қисқа муддатда қўлга киритмоқчимиз. Юртбошимиз Ислом Каримов Ўзбекистонни дунёга танитиш, халқимиз турмуш-фаровонлигини ошириш ҳақида куюб-пишяптилар. Биз у кишига ўзимизнинг амалий ишларимиз билан қўш қанот бўлайлик.

Янги ишнинг бошланиши ҳамиша қийин кўчади. Лекин юртни иқтисодий жиҳатдан бақувват, осойишта, том маънода мустақил кўрмоқ, истасак Ўзбекистоннинг ҳақиқий ватанпарвари, фидойилари бўлмоғимиз керак. Барча соҳадаги ислоҳотлар, жумладан, фермерларга эътибор жуда тез фурсатларда ўз самарасини беради. Президентимиз таъбири билан айтганда: «Фермерлар ислоҳот тизимининг биринчи қалдирғочлари, уларнинг қанотини синдирмайлик», уларни асраш, авайлаш, парваришлаш керак. Фермерларимиз кўрсатилган бир яхшиликка минг яхшилик билан жавоб қайтаришларига имоним комил.

Шавкат ИСРОИЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН: МУСТАҚИЛЛИК, МАЪНАВИЯТ, МАФКУРА»



Шу номли китобчани «Ўзбекистон» нашриёти куни кеча ўқувчиларга тақдим этди. Унинг муаллифи — Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши иккинчи котиби, Ўзбекистон Фанлар академияси И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори, фалсафа фанлари доктори А. Жалолов мазкур китобда маънавият, мафкура, сиёсат ва фалсафа фанининг долзарб муаммоларига бағишланган мусоҳаба ва мақолаларини киритган.

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг маънавий сарчашмалари ва тамал тошлари, маънавият билан мафкуранинг ўзаро нисбати, узвий боғлиқлиги ва фалсафа фанининг ундаги ўрни ҳамда ҳозирги вазифалари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси мафкуравий фаолиятининг моҳияти, мазмуни ва хусусиятлари, мафкуранинг партия ташкилотлари ишидаги аҳамияти каби мураккаб ҳаётимиз илгари сурган кўплаб илмий ва амалий масалалар китобчада таҳлил қилинган. Сиёсий, тадрижий масалаларнинг илмий тарзда таҳлил этилиши ва, аксинча, назарий изланиш ва хулосаларнинг амалий фаолият билан уйғунлашуви ушбу асарнинг жиддий ютуқларидан биридир.

Демак, у маънавият, фалсафа, сиёсатшунослик ва умуман, ижтимоий фанлар мутахассислари, партия ходимлари, тарғиботчилар учун ҳам фойдалидир.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

МУҲИМ МАВЗУДА СЕМИНАР

Жарқўрғон туман партия кенгаши «Иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш жараёнида партия ташкилотларининг ишбилармонликни ривожлантириш, кичик ишлаб чиқариш корхоналарини кўпайтириш, янги иш жойларини ташкил қилиш, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ишларида иштироки» мавзуида семинар ўтказди.

Унинг қатнашчилари — ХДП вилоят кенгаши масъул ходимлари ҳамда туман кенгашларининг котиблари Жарқўрғон ип-йигириш ва тўқиш фабрикасини, темир-бетон ишлаб чиқариш заводини, нефть конлари бошқармасини бориб кўрдилар. Бошланғич партия ташкилотлари ишлари билан танишдилар. Ишчи ўринларини кўпайтириш бўйича партия ташкилотларининг галдаги вазифаларини атрофлича муҳокама қилдилар.

Семинар давомида ўзаро тажриба алмашишга катта эътибор берилди.

Кенгашда вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Х. Эрматов ва Жарқўрғон тумани ҳокими Н. Турдиевлар қатнашдилар.

О. УСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Бозор иқтисодиёти чорраҳаларида*

ГАП МУНОСАБАТДА

ЁХУД ЭСКИ ЗАМОННИ ҚЎМСАБ ЮРГАН РАҲБАРЛАРГА ОРАМИЗДА ЎРИН ЙЎҚ

...Бундан ўн ой муқаддам Қарши ёғ-экстракция заводи инқирозга юз тутган, кўпгина кўрсаткичлар бўйича «ўтириб» қолган эди. Режалар ўлда-жўлда, асбоб-ускуналар, дастгоҳлар ишдан чиққан, цехлар эса таъмирталаб, тақсимот бузилган, ташмачилик, талон-тарожлик авжига чиққан эди.

Яхшиямки, назорат органлари талон-торожликнинг йўлини вақтида тўсдилар. Масалан, 1992 йилда айрим ташкилотларга 3600 тоннадан ортиқ пахта ёғи кам берилган, баъзиларига эса белгиланганидан ортиқча жўнатилган. 1993 йилнинг биринчи ярмида ҳам худди шундай аҳволни кўрасиз. Чунончи, завод раҳбарлари 301 тонна ўсимлик мойини кам беришган, яъни ўз фойдаларига «иқтисод» қилишган. «Ўроқда йўқ, машоқда йўқ» айрим ташкилотларга эса 55 тонна ортиқча ёғ «мойдек» бериб юборилган. Аммо тақсимот рўйхатида бўлиб, завод раҳбарлари билан «умумий тил» топишолмаган баъзи ташкилотлар 55 тонна пахта ёғини умуман ололмай «чапак чалиб» қолаверганлар. Давлат стандартига рноя этилмай тайёрланган бир неча минг тонна ёғ эса озуқа ёғи снфатида истеъмолга чиқариб юборилган. Завод раҳбарлари томонидан 183263 сўмлик зарпардалик материаллар ўзлаштирилган. Бундан ташқари ғайриқонуний йўл билан 1 вагон—цистерна ёғ Андижон вилоятига жўнатилиб, Қирғизистон Республикасига хуфёна йўл билан ўтказилаётганда «мой операцияси» барбод бўлган...

Заводнинг собиқ директори Н. Қўчқорова ўз мансабини суиистеъмол қилганлиги туфайли «Ўзозиқовқатсаноати» Давлат акционерлик концерни буйруғи билан ишдан бўшатилган. Шу ишларга шерик бўлган заводнинг бош ҳисобчиси — иқтисод-тижорат ишлари бўйича муовини А. Назаров ва тақсимот бўлими бошлиғи Р. Хўжақуловлар ҳам вилоят Давлат назорати бошқармасининг 169-сонли тақдимномасига ва завод маъмуриятининг 1993 йил 10 сентябрь 120-сонли буйруғига асосан ўз вазифаларидан озод этилганлар. Айни пайтда уларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан тафтиш ишлари ва Қашқадарё ва Андижон вилоятлари ички ишлар Бошқармалари томонидан эса суриштирув ишлари олиб борилмоқда. Буни қарангки, шундай вазиятда бош ҳисобчи А. Назаровни Нишон тумани суди ўз вазифасига шошма-шошарлик билан тиклаган. Қизиқ!.. Тўғри, балки суд бу ерда ҳақдир. Биз фикримиз тўғри, деб даъво қилмаймиз. Аммо ўша Меҳнат қонунлари мажмуасининг 47-моддасида берилган 3-§ шарҳда шундай дейилади: «Раҳбар ходимлар қонунда кўрсатилган ҳолларда халқ контроли (ҳозирги Давлат назорати) комитетлари томонидан эгаллаб турган вазифасидан четлаштириладилар». Бас, шундай экан бош ҳисобчи ва айни пайтда иқтисод-тижорат масалалари бўйича директор муовини яъни, раҳбар А. Назаров ва тақсимот бўлими бошлиғи А. Хўжақуловлар ҳам Қашқадарё вилояти Давлат назорати бошқармасининг тавсияси билан ишдан четлаштирилганлар. Демак, маъмурият, янги директор тўғри қилган. Муҳтарам судья Б. Махматқулов айтинг-чи, қонун бунга нима дейди? Ёки қонунларимиз эскиб қолганми?... Балки акционерлик концерни ва корхонанинг ўз низомларида бу ҳақда бирор бир фикр бўлса керак? Уларни Сиз ҳисобга олдингизми?

Ҳа, дарвоқе, биз заводга янги келган директор хусусида ҳикоя қилмоқчи эдик.

— Кадр танлашда янглишмаган эканмиз, — дейди Қарши шаҳар ҳокими Музаффар Маҳмудов. — Раҳматилло Ўроқов қисқа муддатда катта ташкилий ишларни амалга оширди. Натижада завод аҳли, балки бутун шаҳар жамоатчилигининг назарига тушди. У кўп иш қиляпти. Шаҳарни ободонлаштиришга муносиб ҳисса қўшяпти. Яқинда завод ҳисобидан Қарши курантини таъмирлади. Шаҳар фахрийлари учун 50 тонна шелуха ажратди. Албатта, бунга уни биров мажбур қилаётгани йўқ. Ўзи билиб қилаётир. Шунинг учун ҳам жамоада, халқ орасида обрўси ошиб боряпти. Ундан умидимиз катта...

Унинг директор бўлганига ҳали бир йил бўлганича йўқ. Лекин шу қисқа муддатда заводни оёққа турғаза билди. Янги технологияни, юксак унумли чет эл дастгоҳларини жорий этишга, замонавий ускуналарни ўрнатишга асосий эътиборни қаратди. Масалан, янги экстрактор, 3 та трансформатор, тостер ва дискли фильтрлар монтаж қилинмоқда. Пировардида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати ҳамда меҳнат унумдорлиги кескин ошиши имкони яратилади. Биргина ўтган йили 200 миллион сўм даромад олинди...

Раҳматилло Ўроқов дастлаб кадрларни жой-жойига қўйишга, ташмачилик ва ўғирликка барҳам беришга эътибор берди. Шунинг учун ҳам жойларга ишбилармон, ҳалол, ўз фойдасини эмас, жамоа, давлат фойдасини ўйлайдиган кишиларни ўз ўрниларига қўйди. Уларнинг ҳаммаси эски раҳбарият даврида «соя»да қолиб кетган, шу соҳанинг тажрибали мутахассислари эди. Чунки илгари илғор ёғ-мой технологиясини тушунмайдиган лоқайд кишилар ишлаб чиқаришни бошқаришарди. Мана энди ишлар жойига тушди. Бундан бутун жамоа ҳам хурсанд. Ишлар ўнгланиб, ишчи ва хизматчиларнинг ойлик маошлари ортиб боряпти.

Яқинда Бухоро вилояти халқ депутатлари сессиясида Президентимиз Ислом Каримов бугунги кун раҳбари тўғрисида жуда ўринли бир гапни айтдилар: **«Тажрибамдан кўряпманки, улуғ бобомиз** (Амир Темур назарда тутиляпти — Т. Т.) **айтганидек, ишбилармон, тадбиркор, ҳушёр, азми қатъий, марллик ва шижоат соҳиби бўлган бир одам минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир...»**

Ҳақ гап. Ўтиш даври раҳбари энг аввало бугунги кун ислоҳотларини фаҳмлай оладиган, Президентимиз ва ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсатни тўғри тушунадиган, уни халқ қалбига етказа биладиган, эл, юрт учун жонини фидо айлайдиган киши бўлмоғи лозим.

Қарши ёғ-экстракция заводининг янги директори Раҳматилло Ўроқов ҳам ана шундай замонавий ишбилармон, эл-юрт ташвишида куйиб-пишадиган раҳбарлардандир.

«Мен бу хатни азбаройи севинганимдан ёзаяпман, — дея редакцияга мактуб йўллайди Қарши шаҳар ёғ-экстракция заводи қўрғончасида яшовчи нафақахўр Раиса Аглеева. — Чунки биз истиқомат қилаётган қўрғончада ажойиб ўзгаришлар содир бўлаётир. Сўнгги пайтларда қўрғонча қўпол қилиб айтганда, ахлатхонага айланиб қолган эди. Бадбўй ҳидлар исидан туриб бўлмасди. Заводга Раҳматилло Ўроқов директор бўлиб тайинлангач, қўрғончамизга эътибор кучайди. Қисқа вақт ичида унинг қиёфаси бутунлай ўзгарди. Гап муносабатда экан. Эътибор бўлса, киши юракдан истаса, маблағ ҳам топилар экан. Мана қўрғончамиз обод бўлиб боряпти.

Янги директорнинг одамлар турмушидан, аҳволидан хабардор бўлиб, зарур ёрдамни кўрсатиши қўрғончамиз аҳлига манзур бўлаётир..»

Ҳа, бундай миннатдорчилик сўзларини айни пайтда ҳар бир қаршиликдан эшитиш мумкин. Раҳматилло Ўроқовнинг айтишича, энди ишлайдиган замон келди. Белни маҳкам боғлаб ишлаш керак...

Бундай юрагида ўти бор инсонларни ардоқлашимиз, ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлашимиз лозим. Келажаги буюк давлатни шундай жонкуяр кишилар қурадилар.

Президентимиз айтганларидек, **«...эски тизимда суяги қотган, шу замонни қўмсаб юрган раҳбарларга орамизда ўрин бўлмаслиги керак. Буни ҳаммамиз англаб олишимиз зарур».**

Қилни қирқ ёрувчи ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари эса Қарши ёғ-экстракция заводида бўлиб ўтган талон-торожликка сўнгги нуқта қўядилар, деган умиддамиз.

Тўхтамурод ТОШЕВ, «Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН...“

«ҚОЗОҒИСТОН—ПОКИСТОН» ЖАМИЯТИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ

АЛМАТИ. Мамлакат пойтахтида «Қозоғистон—Покистон» жамиятининг таъсис анжумани бўлиб ўтди.

Жамият ўз олдига икки давлат ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларни янада чуқурлаштириш вазифасини қўйган. Яқин келгусида икки мамлакат ўртасида яна бир авиация рейси ўтказилиши мўлжалланмоқда.

САВДО—ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК

БИШКЕК. Қирғизистон Республикасининг Бош вазири Апас Жумагулов Россия Федерациясига қилган қисқа сафардан қайтиб келди.

Москвада Россия ҳукумати билан 1994 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик, давлат қарзи, корхоналар ўртасида кооператив ишлаб чиқариш борасидаги ҳамкорликлар тўғрисидаги шартнома имзоланди.

ШИФОБАХШ ШИРИНЛИК

ДУШАНБЕ. Тожикистон Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Озиқ-овқат саноати ва қайта ишлаш қўмитасининг озиқ-овқат муаммолари бўйича илмий тадқиқот институти олимлари болалар ҳамда аёллар орасида кенг тарқалган анемия — камқонлик касалини даволашнинг самарали йўлини топишди. Майдаланган олма ва ошқовоқдан иборат ҳамда микроэлементлар, аминокислоталар билан бойитилган ширинликлар юқоридаги касалликка чалинган беморларни даволаш хусусиятига эга экан, Айни кунларда Душанбедаги «Ширин» кондитерлик фабрикасида бундай маҳсулотлар кўп миқдорда тайёрланмоқда.

ТУРКИЯ ВА ГЕРМАНИЯ ҚОЗОҒИСТОН КИНОФИЛЬМЛАРИНИ СОТИБ ОЛМОҚДА

АЛМАТИ. Кейинги пайтларда «Қозоқфильм» киностудиясида ташкил этилган фестиваллар бюроси қизғин ишламоқда.

Бюро ташаббуси билан Қозоғистоннинг кўпгина фильмлари халқаро фестивалларда намойиш этилди. Режиссёр Е. Шинарбоевнинг «Жайдари учбурчак жой» бадиий фильми Швейцариянинг Локарно шаҳрида бўлиб ўтган кинофестивалда «Олтин қоплон» мукофоти билан тақдирланди. Айни пайтда қозоқ киноларини сотиб олиш иштиёқида бўлган ташкилотлар кўпайиб бормоқда. Яқинда Туркия 20 та фильм сотиб олди. Бу картиналар орасида бадиий, ҳужжатли ва мультфилмлар бор. Улар кўп вақтдан буён томошабинлар диққатини жалб этиб келаётган асарлардир. Шундай қилиб «Қиз Жибек», «Бизнинг азиз докторимиз» картиналарини турк томошабинлари кўрадиган бўлдилар. Германиянинг «Панорама» фирмаси сотиб олган асарлар орасида «Қиз Жибек»дан ташқари «Душман тўққизинчи ўғилдан қўрқгин» фильми ҳам бор. Қозоқ кинолари Германия телевидениесининг «Ғаройиботлар ишқибозларига» кўрсатуви орқали намойиш этилади.

ТУРКМАН МАНАТИ ҚИММАТИ ТУШИРИЛМАЙДИ

АШГАБАТ. Туркманистон Президенти Сапармурод Туркманбоши Туркманистон миллий телевидениеси журналистлари саволларига жавоблар берди.

Давлат раҳбари ўтиш даврининг айрим қийинчиликлари ҳақида тўхталиб, мамлакат меҳнаткашларига, бутун аҳолисига қийинчиликлар катта ва ечиб бўлмайдиган масалалар, деб гап-сўз тарқатиб юрганларнинг фикрларига мутлақо ишонмангиз, деб даъват қилди. Сапармурод Туркманбоши туркман манати ҳақида тарқатилаётган ҳар қандай миш-мишларга ишонмасликка, сабр-бардош ва хотиржамликни сақлаб туришга чорлади. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда айрим камчиликлар, бир қатор давлатлар Туркманистондан қарзларини узмаганлиги билан боғлиқлигини тушунтирди у.

ХИТОЙ ВА ТУРКМАН САҲРО ИНСТИТУТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ

АШГАБАТ. «Бархан» туркман — хитой қўшма корхонаси эркин ишбилармонлик иқтисодий минтақасида рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома олди.

Унинг муассислари Туркманистон Фанлар академиясининг ва Хитой Халқ Республикаси Фанлар академиясининг Саҳро институтларидир. Бу даргоҳ мутахассислари енгил саноат маҳсулотлари, илмий-техника изланишлари, маданий тадбирлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланадилар.

ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

ДУШАНБЕ. Тожикистон Республикаси Вазирлар Кенгаши «Юс—Тожикистон Инк» Тожик—Америка қўшма корхонасини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди.

Мазкур қўшма корхона кенг миқёсда фаолият кўрсатади. У мамлакат иқтисодига илмий, технологик, ердан унумли фойдаланиш ва хорижий сармояларни жалб этиш бўйича кўмак беради. Ёвон туманида 2 минг гектар ерда АҚШ технологияси асосида пахта етиштиради ҳамда Ленинобод ва Хатлон вилоятларида 20 минг гектар янги ер ўзлаштиради. Ҳар йили 5 минг тонна пахта толасидан ип йигирадиган ва трикотаж кийимлар тикадиган фабрика қуради ҳамда унинг ишчилари учун 5 минг кишилик замонавий турар жой бунёд этади. Бундан ташқари, Роғун ГЭСи қурилишида, ғалла ва ёқилғи сотиб олишда мамлакатга ёрдамлашади. Ана шу барча ишлар Америка томонидан бериладиган 100 миллион доллар қарз ҳисобига бажарилади.

ҚИРҒИЗИСТОНДА ҚОР ЁҒДИ

БИШКЕК. Қирғизистонда баҳор келиб мевали дарахтлар гуллаган пайтда қор ёғди. Кунлар бирмунча совиди. Табиат ўзининг инжиқлигини кўрсатмоқда.

Баҳорги сув тошқини ва тоғ баҳри ўпирилишлари ҳам жанубий вилоятларда аҳолига қийинчилик ва ташвиш туғдирди. Қирғизистон Президенти вилоятларнинг тоғ баҳри масканларида фавқулодда ҳолат эълон қилди. Хавфли жойлардаги қишлоқлар аҳолисини бошқа жойларга кўчириш учун 50 минг тонна ёқилғи сарфланиши муаммо бўлиб турибди.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

• МУНОСАБАТ •

ВОРИСЛИК

Газетанинг шу йил 20 январь сонида Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Аҳмадали Асқаров ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Бўрибой Аҳмедовларнинг «Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи (дастлабки мулоҳазалар)» номи остида эълон қилинган мақоласи кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Бу ҳақда турли давраларда ҳар хил муносабатлар, мулоҳазалар билдирилди. Мен ҳам бир тарихчи сифатида шу мақолага кўнглимдан кечган гапларни айтмоқни жоиз деб билдим.

Туркий халқлар асрлар давомида элат ва миллат бўлиб шаклланиб келганлар. Шаклланган ҳар бир элат ва миллат иккинчи элат ва миллатдан ўзига хос хусусиятлари (тили, элат ёки миллат номи, иқтисоди, маданияти, маънавияти, феъл-атвори ва бошқалар) билан ажралиб туради. Агар барча туркий тилли халқларни турк миллатига мансуб, деб қаралса унда миллий хусусиятларни ўрни бўлмай қолади. Бир халқни иккинчи бир халқдан фарқи бўлмай, миллий анъаналар, қадриятлар аҳамиятсизланиб кетиши мумкин.

Ўзбек халқи бошқа қардош халқлар каби аввал элат, кейин миллат бўлиб шаклланган. Бу жараённи маълум тарихий даврни кечиб ўтган халқлар ўз элат ва миллатларига хос иқтисодий, маданий ва маънавий бойликлар яратганлар ва уларнинг соҳиби бўлганлар, давлатларига ва миллий номларига эришганлар. Баъзи кишиларнинг айтганларига ишонч ҳосил қилинса, яъни ўзбек халқини «турк» «турк миллати» деб қаралса, унда яратилган миллий бойликларни, қадриятларнинг эгаси ким бўлади? Турк миллатими ёки ўзбек миллати? «Турк», «турк миллати» ибораларини қўллаган қаламкашлар масалани бу томонига аҳамият берганмиканлар?

Ўзбеклар алоҳида халқ ва миллат эканлигини ўзбекнинг каттаю-кичиги яхши тушунади, албатта. Бошқа туркий халқлар каби ўзбекнинг ҳам ўз Ватани ва шаклланган миллати бор. Демак, Ватан туйғуси ва миллий туйғу ўзбекнинг қадимдан фахри бўлиб келган. Табиат ато этган бу нозик туйғулар Ватан фарзандлари дилидан ҳеч қачон ўчмаган, ўчмайди ҳам.

Қўйилган масалани аниқроқ тушуниб олиш учун тарихга мурожаат қилиб, турк атамасини пайдо бўлган вақти ва ўтмишда бу атама билан қайси этнос ёки этник гуруҳлар номланганлиги ва шу атама билан боғлиқ бошқа масалалар қисқача ёритилса мақсадга мувофиқ бўлар, деб ўйлайман.

Тарихдан маълумки милодий V аср ўрталарида Хитойнинг шимолида сиёсий вазият кескинлашиб, тобос қабиласи билан хун қабилалари ўртасида жанг кетади. Натижада тобослар ғолиб чиқиб, Хитойнинг шимолидаги ҳудудларнинг талай қисмини эгаллайдилар. Хунлар тобосларга қарам бўлиб қоладилар. Айни шу вақтларда хунларга тобе бўлиб келган Ашина номли киши бошқариб турган беш юз оиладан ташкил топган гуруҳ мавжуд бўлиб, бу гуруҳ турли этник қисмлардан (хун, тангут, санби ва бошқалар) ташкил топган бўлган. Ашинани ўзи санбий қабиласига мансуб киши эди. Буларнинг тили ҳам бир хилда бўлмаган. Ўзаро мулоқотда бўлганда кўпчиликка тушунарли, ўз даврининг қабилаларо тили ҳисобланган санбийлар (қадимги мўғул) тилида сўзлашганлар.

Милодий 439 йилда тобослар шимолий Хитойни эгаллагач, уларга бўйин эгишни хоҳламаган Ашина бошлиқ 500 оила яшаётган ерларини ташлаб қочади. Булар Гўби саҳросини оғир машаққатлар билан кечиб ўтиб, Олтой тоғ этакларига келиб ўрнашади. Бу ерда Ашина ва унга эргашган 500 оила журжан қабилаларига тобе бўлиб, уларга темир руда қазиб берадиган бўлганлар.

Хитойликлар Ашина бошқарган гуруҳни ту-кю (турклар) деб атаганлар. Турк сўзининг маъноси «кучли», «қувватли» дегани. Туркшунос олим А. Н. Кононовнинг фикрига кўра турк атамаси аслида йиғинди ном бўлиб, қолган.

Ашина гуруҳи келиб ўрнашган Олтой тоғолди минтақаларида турк тилида сўйловчи хун қабилалари яшар эдилар. Ашина фуқаролари шу қабилалар билан яқинлашиб, вақт ўтиши билан уларга аралашиб, турк тилини қабул қилиб, туркланиб кетади. Ўз навбатида, Ашина гуруҳи аралашиб кетган хун қабилаларига турк номини беради. Шундай қилиб, турк атамаси даставвал Ашина фуқароларига хос ном бўлган бўлса кейинчалик Ашина гуруҳига тобе бўлган ва улар билан аралашиб кетган туркийзабон қабила иттифоқининг номи бўлиб қолган. Бошқача қилиб айтганда турк атамаси эндиликда Ашина авлодлари ва хун қабилаларининг қорилмасидан ташкил топган янги этноснинг номи (этноним) бўлиб қолади. Бу этносни Ашина авлодлари бошқариб келган.

Милодий VI аср ўрталарида Марказий Осиёда ташкил топган йирик давлат Турк ҳоқонлиги деб аталган. 588 йили ҳоқонлик икки қисмга — Ғарбий ва Шарқий ҳоқонликка бўлиниб кетган. Шарқий ҳоқонликни маркази Мўғулистонда, Ғарбий ҳоқонликни маркази Еттисувда бўлган. Мазкур ҳоқонликларни асосий ўзагини Ашина авлодлари бошқариб келаётган турк элати ташкил этган. Ашина ворисларининг бири Шарқий Турк ҳоқонлигида, иккинчиси эса Ғарбий Турк ҳоқонлигида ҳукмронлик қилган. Ҳар иккала давлат турк элати асосида ташкил топганлигидан, улар турк элатининг номи билан аталган. Аниқроқ қилиб айтганда, олдинлари маълум бир этник уюшмага хос бўлиб келган турк атамаси, эндиликда жуда катта ҳудудда ташкил топган сиёсий тузумни — турк ҳоқонликларининг номи бўлиб қолган. Таъкидлаб ўтиш жоизки, Ашина авлодлари бошқариб келган турк элатидан ташқари, ҳоқонликлар таркибидаги бошқа қабилалар ва қабила иттифоқининг биронтаси ҳам турк деб номланмаган, улар ўз этник номлари билан аталган. Масалан, Шарқий Туркистон ҳоқонлигида теле, туқуз-ўғуз, уйғур ва бошқалар, Ғарбий Турк ҳоқонлигида нушиби, дулу, арғу, тухси қарлуқ, чиғил ва бошқа номларда.

Ғарбий Турк ҳоқонлигидаги етакчи қабилалардан бири тургеш қабиласи эди. Тарихчи олим О. Прицак турк атамасига талқин беришда, бу атама «тургиш» сўзига яқин эканлигини таъкидлайди. Гарчи шундоқ бўлган тақдирда тургиш этносининг номи турк атамасидан ташкил топган бўлиши эҳтимолдан ҳоли бўлмаса керак.

Турк ҳоқонлиги таназзулга учрагандан кейин, Марказий Осиёда бир қанча янги қабила иттифоқлари ва сиёсий тузумлар вужудга келади. Қарлуқ ва ўғуз давлатлари шулар жумласидан эди. Янгитдан ташкил топган давлат хонлари, собиқ турк ҳоқонлигига қиёс қилиб, яхлит ва йирик давлат ташкил этиш сиёсатини олиб бордилар. Улар тарқоқ яшовчи қабилаларни маълум бир ҳудудга йиғиб, ўз ҳукмронликларини ўрнатиш мақсадида астойдил курашдилар. Бу курашлар аҳолининг кўпчилиги томонидан қувватланиб, хонлар ва қаҳрамонларни эъзозловчи достон ва афсоналар яратилади, масалан Ўғузхон ҳақидаги достон.

Ўғузхон қабилаларни бирлаштириш борасида олиб борган хонларнинг образини ўзига мужассамлаштирган ижобий қаҳрамон «Ўғузхон» достонининг яратилиши ислом динини кўчманчилар орасига кириб келиш (IX—X) даврига тўғри келса керак. Лекин афсонани яратганлар уни насл-насабини қадимлаштириб Нуҳ пайғамбарининг ўғли Ёфатга ва Ёфатнинг тўнғич ўғли Туркка тақайдилар. Қизиғи шуки Ёфатнинг саккиз ўғлининг барчаси илк Ўрта асрларда мавжуд бўлган қабила ва халқлар номи билан аталган: турк, ҳазар, саклаб (славян), рус, минг, чин ва бошқалар, (Абдулғози, «Шажараи турк», 15-бет). Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, афсонада нафақат Ўғузхон, ҳатто қабилалар ва халқлар қадимлаштирилган. Мақсад: туркий халқларнинг, бошқа халқлар каби қадимий халқ эканлигини ва булар ўз даврида катта мавқега ҳамда таъсир кучига эга бўлганлигини кўрсатиш бўлса керак.

Айни шу даврларда Ўғузларнинг бир гуруҳи бўлмиш салжуқлар туркий халқларнинг қадимийлигини ва қудратини тан олиб, уларга қиёсан ўзларини туркман (туркмонанд, яъни туркка ўхшаш) деб номлаганлар. Янги этнос-туркман элати вужудга келади. XI аср бошларида салжуқ-туркманларнинг асосий қисми Амударёни кечиб ўтиб, Хуросон заминига ўрнашадилар. XI—XIII аслрар давомида ўғуз ва салжуқ-туркман этник гуруҳлари Кичик Осиё минтақаларига жойлашиб оладилар. XIV—XVI асрлар давомида улар Кичик Осиёдаги бир қанча давлатларни тобе этади. Йирик Усмонли империяси ташкил топади. Усмонли империясида усмон қабиласи етакчилик қилиб келган. Бу етакчи элатни ва бошқа этник гуруҳларни қўшни халқлар (Болқон славянлари, украинлар, руслар ва бошқалар) турклар деб номлаганлар.

Кичик Осиё туркий халқларининг асосини Усмон қабиласи ташкил қилган бўлса-да, лекин бу қабила номи шаклланган элат номи бўлолмаган. Шаклланган элатнинг номи ва турк халқининг номи учун «турк» атамаси қабул қилинган. Шундоқ қилиб, қадимги «турк» этнотоними тикланиб, Анатўлияга турли даврларда келиб ўрнашган, барча туркий халқларнинг умумий номи— элат номи (XV—XVI) ва кейинчалик миллат номи бўлиб қолган. Шу ўринда уқтириб ўтиш лозимки, Ўрта асрлар давомида ташкил топган туркман ва турк халқлари қадимий туркий этносларга тарихий жиҳатдан алоқадор бўлсалар-да, аммо булар бошқа этник муҳитда ва шароитда шаклланган элат ва миллат эдилар.

IX—X асрларда ўзбек аждодлари (бу давр учун ўзбек атамасини шартли равишда қабул қилдик) алоҳида жамоа-элат бўлиб шаклланган. Элат таркибига ва уни шаклланиш жараёнида қадимги турк этносининг айрим элементлари, қисман тургеш этноси ҳам қатнашган. Ўзбек элати таркибидаги турғун аҳоли ҳамда йирик қабилалар (қарлуқ, ҳалач, чиғил, яғмо, тухси ва бошқалар) ва ташкил топган қарлуқ давлати турк номи билан аталмаган. Қарлуқ (кейинчалик бу давлат Қорахонликлар давлати деб номланган) давлати ичида шаклланган ўзбек элатининг аждодлари маълум вақтларгача «қарлуқ» ёки «ҳоқонликлар», «қорахонликлар» деб номланиб келган. Бу атамалар қарлуқ-қорахонликлар давлатининг сиёсий номи бўлиши билан бир вақтда мазкур давлат фуқароларининг умумий (йиғинди) номи ҳам эди.

Илк Ўрта асрларда ва ундан кейинги даврларда ўтган араб-форс тилларида ёзилган тарихий ва географик рисолаларда турк атамаси кўплаб учрайди. Бу атамалар билан аниқ бир халқ этник гуруҳ эмас, балки барча туркийзабон кўчманчи қабилалар ифодаланган. Айрим асарлари турк бўлмаган халқлар, этносларга нисбатан ҳам бу атама қўлланилган. Масалан, Маҳмуд Қошғарий «Девону луғатит турк» асарида «Турклар йигирма қабиладир» деб, шу йигирма қабила қаторида турк бўлмаган танғут, хитой халқларини ҳам эслатиб ўтади. Лекин рисоланинг бошқа бир бетида турк атамасини туркман, ўғиз, чиғил, яғмо ва қирғиз этносларини қаторида тилга олади. Эҳтимол бу ерда олим турк атамасини алоҳида этник гуруҳ бўлганлигини таъкидламоқчи бўлгандир. Шундоқ бўлган тақдирда Маҳмуд Қошғарий юқорида эслатиб ўтилган Ашина туркларининг кейинги авлодларини назарда тутган бўлади.

Араб-форс манбаларида Марказий Осиёдаги катта ҳудуд «турклар ери», «Туркистон замини», «Туркистон» деб ҳам номланган. Бу иборалар турк деб аталувчи этнос яшайдиган географик кенгликка нисбатан эмас, туркий тилли халқлар яшаётган ҳудудга нисбатан қўлланилган.

Ўзбек халқининг алоҳида элат бўлиб шаклланганидан кейинги тарихий босқичларда, унинг таркибида кичик этник гуруҳлардан бири қадимий турк номини сақлаб қолган эди. Масалан, XVI асрда Фарғонада Сайф ад-Дин Ахсиканти ёзган «Мажму ат-таврих» рисоласида 92 ўзбек уруғлари (қабила десак тўғрироқ бўлади) қаторида турк атамаси ҳам қайд қилинади. Бу турклар ўзбек элати таркибидаги этник гуруҳ бўлиб, келиб чиқишлари қадимги турк ҳоқонлигидаги Ашина этноси билан боғлиқ бўлиши керак.

Ўрта Осиёни районлаштириш комиссиясининг маълумотига биноан (1924—1925) ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшовчи турк этник гуруҳининг умумий сони 33 мингга яқин бўлиб, шундан 24 мингдан ортиқроғи Фарғона водийсида яшаган. Бу рақамлар жуда кам кўрсатилган бўлиши ҳам мумкин. Лекин шунга қарамасдан бу рақамлар турк этник гуруҳининг ўзбек халқининг таркибида маълум миқдорда, қадимги турк элатининг кейинги қолдиқлари (гарчи этник таркиби ўзгариб кетган бўлса ҳам) сақланиб қолганлигидан гувоҳлик беради. Турк этник гуруҳларининг айримлари Фарғона водийсидан ташқари яна Зарафшон тизма тоғларининг ён бағирларида, Қашқадарёнинг юқори оқимларида, Тожикистоннинг жанубий туманларида ҳам яшаганлар ва ҳозир ҳам яшайдилар.

Тилга олинган турк этник гуруҳи ўзбек халқи таркибидаги маълум бир этник гуруҳнинг номи бўлган холос. Ўзбек элати ва кейинчалик миллати ичидаги барча бошқа этник компонентлар ўз этник номлари (этнонимлари) билан аталиб келганлар. Этник гуруҳлар ва этник компонентлар асрлар давомида бир ҳудудда яшаб, бир-бирлари билан иқтисодий ва маданий жиҳатдан яқинлашиб онг севимида умум ўзбек элат, кейинчалик миллат тушунчаси қатъийлашиб қолади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўзбек ва туркий дунёдаги бошқа халқлар ўтмишда айрим этник гуруҳларнинг умумийлиги билан, тиллари ва маданиятларининг баъзи қирралари билан яқинликлари бўлган бўлса ҳамки, лекин уларнинг ҳар бири турли даврларда, турли этник муҳитда ва сиёсий вазиятларда элат ва миллат бўлиб шаклланганлар.

Шаклланган элат ва миллатлар қадимий этнослардан томир олган бўлишларидан қатъи назар, маданияти, маънавияти ва анъаналари билан бир-бирларидан фарқ қилувчи халқлар ва миллатлар бўлиб бизгача етиб келганлар. Буларнинг тил умумийлиги ва миллий хусусиятларини назарда тутиб турк эмас, туркий халқлар десак хато бўлмас.

Карим ШОНИЁЗОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

• Илму ҳикмат ўтни ёндирар •

ТАРИХИМИЗ—БОШ МАВЗУ

Карим Шониёзов... Эшитгансиз. Катта олим, 200 дан ортиқ илмий ишлари, жумладан, ўзбек халқининг этнографияси масалаларига бағишланган бир неча монография, рисола, илмий ва оммабоп мақолалари эълон қилинган. Айримлари Москва, Санкт-Петербург, Алмати, Ереван, Черновци, Нальчик, Уфа шаҳарларида чиқадиган тўпламларда, баъзилари эса Америка, Франция, Ҳиндистонда ҳам нашр этилган.

Шунингдек, Ўзбек Қомусини яратишда ҳам фаол иштирок этган. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих институти томонидан тайёрланган кўп жилдлик «Ўзбекистон тарихи»нинг учинчи жилди ҳамда ўша китобнинг тўртинчи жилди, қатор бобларнинг муаллифи ҳам шу кишидир.

У етук олим даражасига эришгунга қадар ҳаётнинг кўп аччиқ-чучугини тотди, турмушнинг сермашаққат поғоналарини босиб ўтди. Аммо ҳамиша ҳаётга чанқоқлик билан боқди, эл-юрт меҳри ва туйғуси билан яшади. Улуғ Ватан уруши бошланиши биланоқ ихтиёрий равишда фронтга жўнаб кетди. Урушнинг охиригача Ленинград ва Волхов фронтларида разведкачи сифатида кўрсатган жасоратлари учун икки марта Қизил юлдуз, икки марта биринчи ва иккинчи даражали Ватан уруши орденлари ва бир қанча медаллар билан мукофотланди. 21 ёшида 21 та жанговар нишонга сазовор бўлди.

Урушдан қайтгач ҳам ўқиди, ҳам талабаларга дарс берди, ташкилотчилик ишларида етакчилик қилди, Тошкент Давлат педагогика институтини тугаллади. 1957 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих ва археология Институтида аспирантурага ўқишга киргандан кейин унинг илмий фаолияти бошланди: диссертацияни ҳимоя қилди, катта илмий ходим бўлиб ишлади, 1973 йилдан бери эса тарихий этнография бўлимига раҳбарлик қилиб келади.

Балки бўлажак олим ёшлигида Қарши чўлларида қўй боқиб юрган вақтларида шу ерларда яшаб ўтган халқлар ҳақида хаёл суриб, уларнинг тарихини ўрганишни орзу қилгандир, балки қалбидаги Ватанга садоқат туйғуси уни Она-Ватан тарихини ўрганишга ундагандир. Хуллас, биринчи илмий иши: «Жанубий ва Ғарбий Ўзбекистон қарлуқлари тўғрисидаги тарихий этнографик очерк»дан бошлаб, олимнинг барча асарлари ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи, унга асос бўлган қабила ва элатлар, уларнинг ўзаро муносабатлари-ю, тарихий қисматларини ўрганишга бағишланган. Олимнинг кенг тарихий маълумотлар, хусусан, Хитой солномалари, Ўрхун-Энасой ёдгорликлари, араб, форс-тожик қўлёзма маълумотларига асосланиб яратилган «Ўзбекларқарлуқлар» номли китобида қадимги туркий қарлуқ қабиласининг келиб чиқиши, жойланиши, уларнинг хўжалик ва ижтимоий турмуши, моддий ва маънавий маданияти, урф-одатларини ўз ичига олган узоқ тарихий давр (VII—XX асрлар) ёритилади.

«Ўзбек халқи этник тарихи ҳақида» номли монографияда эса олим ўзбек халқи этногенезида бевосита қатнашган яна бир қабила-қипчоқлар тўғрисида чуқур тарихий-этнографик тадқиқот олиб борди. XII—XIV асрларда ўзбек халқи этногенезида қатнашган туркий тилли қипчоқлар асосан келиб чиқиши жиҳатдан Ўрта Осиё, Орол бўйи ва Сирдарё бўйларида бўлиб, улар ўзбек халқи этногенезига турли йўллар билан келиб қўшилганини, XIУ—XV асрларда Амир Темур ва унинг авлодлари томонидан бу қабилаларнинг Мовароуннаҳрга кўчирилиши натижасида бўлса, иккинчидан, XVI аср бошларида Мовароуннаҳрга кириб келган Шайбонийхон бошлиқ кўчманчи қабилалар таркибида ҳам қипчоқлар бўлганини ўрганди.

К. Шониёзовнинг «Қанғ давлати ва қанғлар» монографиясида узоқ ўтмишда (милоддан аввалги III аср бошидан милодий V аср ўрталаригача) Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган сиёсий тузум ҳар томонлама таҳлил қилинади.

Олимнинг биз санаган ва бошқа асарларида ўзбек халқининг илк аждодлари Амударё ва Сирдарё оралиғида Мовароуннаҳрда қадимдан яшаб келган туб ерли этнослар (сўғдийлар, хоразмийлар, бақтрияликлар, сак-массагетлар, тоҳарлар ва бошқалар) бўлганлиги ва улар ўзбек халқининг асосий қатламларини ташкил қилганлиги таъкидланади. Сибирдан, Шарқий Туркистондан ва Дашти Қипчоқдан бир неча асрлар давомида келиб, асосий қатламга қўшилган этнослар ўзбек элатининг шаклланиш жараёнидаги қатламлардир.

Халқимиз ўзлигини таниётган, узоқ ўтмиши тарихини, аждодлари тарихини билишга интилаётган ҳозирги вақтда домланинг илмий тадқиқотлари ғоят долзарб ва илмий-сиёсий муҳим аҳамиятга эга. Улар ўзбек халқининг келиб чиқиши ва давлатчилиги тарихига шубҳа билан қараётган турли хил сиёсий ўйинчиларига муносиб ва асосли жавоб бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда Миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш йўлида мустақил Ўзбекистонда Президентимиз раҳбарлигида жуда катта ишлар қилинмоқда. Ана шу ишлар қаторида тарихий кадриятларни тиклаш, халқимизда ўзлигини англаш туйғуларни уйғотиш ва шу руҳда ёш авлодни тарбиялаш ишлари катта ўрин тутади. Мана шу мақсад доирасида яқинда республикамизнинг етакчи олимлари — тарихчилар, археологлар, этнографлар, антропологлар биргаликда ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихига бағишланган муҳим бир илмий иш яратишни режалаштирдилар. Карим Шониёзов эса шу асарни яратишда фаол қатнашмоқда. Олим бугун етмишинчи баҳорни қаршилаяпти. Иншоолло, умри узоқ бўлсин. Режалари рўёбга чиқиб, ниятлари амалга ошсин.

Аҳмадали АСҚАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтининг директори, академик.
Гулсум МИХАЛЕВА,
шу институтнинг катта илмий ходими.
Динора ҲОШИМОВА,
кичик илмий ходим.



Шароф Рашидов туманидаги сут заводи ишчилари маҳсулот турларини кўпайтириб, сифатини ошириб бормоқдалар. Бу ерда кўплаб сариёғ ва кунгга минг шишадан знёд қатиқ тайёрланиб, истеъмолчиларга жўнатилмоқда.
СУРАТДА: оператор Ҳамид Дўсжонов ва лаборант Аҳмад Мусурмонов.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

• ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ШАРҲЛАР •

ҚЎЗИЛАТИШ ҚИЗҒИН

● Бободеҳқон яхши ният билан ерга барака уруғи сочаётган шу кеча-кундузда чўпоннинг ташвиши янада ортган. Айниқса, Қизилқум кенгликларида, асрий Боймурод, Ўтемурод чўлларида қўйчиларнинг кўпи қўлига тегмайди. Чунки бу ерларда совлиқлардан тўл олиш қизғин бошланиб кетди.

— Қишловни катта қийинчиликлар билан якунлаган қоракўлчиларимиз бу мавсумда 891 минг совлиқнинг ҳар юзтасидан 95 тадан қўзи олишни режалаштиришган, — дейди вилоят «Қоракўл» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи А. Назаров. — Қисқа вақтда 150 мингдан ортиқ совлиқ қўзилади. Аксарият қўйлардан эгиз насл олиняпти.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда Конимех, Нурота туманлари қўйчиларни тўл олишда пешқадамлик қилишаяпти. Мазкур туманлардаги «Шофиркон», «Қизилқум», «Нурота», «Қизилча» наслчилик хўжаликларидаги ферма ва отарларда ҳар юз совлиқдан 102—103 тадан қўзи олиняпти. Навоийликлар жорий йилда 500 мингдан зиёд қўзини ўстиришга қолдиришмоқчи.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СИЗДАН УГИНА, БИЗДАН БУГИНА

● Банклар орқали пул кўчириш жараёнлари йўлга қўйилмаганлиги сабабли каттақўрғонлик ишбилармонлар Беларусь машинасозлари билан ана шундай қонда асосида ишламоқдалар.

Яъни биздан Беларусга озиқ-овқат ва бошқа хом ашё жўнатилади. У ёқдан эса йўлсозлик техника воситалари ҳамда уларга эҳтиёт қисмлар келтирилади. Хуллас, Минскдаги «Амкодор» концерни ва «Средаздормаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Каттақўрғон техника маркази бир-бирига қўл беришди. Беларусдан келган дастлабки техника воситалари «Навоиавтойўл» бирлашмасига етказилди. Ишбилармонлар келгуси да собиқ қардош республикадан халқ истеъмоли моллари келтиришни ҳам мўлжаллашмоқда.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЙИГИРУВ-ТЎҚУВ ФАБРИКАСИ

● Қамаши пахта тозалаш заводи ҳузурида йигирув-тўқув фабрикаси қурилаяпти. Россия ва бошқа хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда барпо этилаётган мазкур корхона ишга тушгач, бир йилда 250 тонна хом ашёни йигириб, 2,5 миллион погонметр газлама тайёрлайди. Шунингдек, 50 тонна жунни қайта ишлаб поёндоз тўқиб чиқаради.

Корхонани шу йилнинг охирида ишга туширишга мўлжаллаб, Шунда 280 киши иш билан таъминланади. Қурилишни 19-Қашқадарё қишлоқ қурилиш трестининг Қамашидаги 240-механизациялашган кўчма колоннаси олиб боряпти.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда қурилиш-монтаж ишларига 12—14 миллиард сўм маблағ сарфланади.

ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАНИНГ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ

● Табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш, вужудга келган муаммоларни ҳал этиш мақсадида «Экосан» жамғармаси бўлимлари тузилаётир.

Яқинда «Экосан» халқаро жамғармасининг Қашқадарё бўлими шу мақсадда ташкил топди. Таъсис йиғилишида «Экосан» халқаро жамғармаси вилоят бўлимининг 11 кишидан иборат ҳайъати тузилди. Вилоят ҳокими ўринбосари Қ. Тўйчиев шу ҳайъат раиси этиб сайланди.

Йиғилиш қатнашчилари она табиатни асраб-авайлаш юзасидан вилоят фуқароларига мурожаатнома қабул қилдилар.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚЎШМА КОРХОНАЛАР ОЧИЛМОҚДА

● Денов тумани шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари уюшмаси атрофида 18 мингдан ортиқ томорқа эгаларн уюшган.

Уюшма қошида 4 та кичик корхона фаолият кўрсатаётир. 2 та қўшма корхона қурилмоқда. Улардан бири Афғонистон жумҳурияти билан ҳамкорликда яқин кунларда иш бошлайди. Бу корхонада гилам тўқиш, кийимкечаклар тикиш ишлари амалга оширилади. Ҳар ойда 10 миллион сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган. Қўшма корхонани очиш учун жой ҳам ҳозирлаб қўйилди. Бунинг учун «Ғалаба» жамоа хўжалиги марказидаги шу пайтгача фойдаланилмай келаётган 15 хонали бино ажратилди. Муҳими, бу ерда ишсиз юрган 200 нафарга яқин хотин-қиз иш билан таъминланди.

Туманда шахсий ёрдамчи хўжалик уюшмаси яна бир хайрли ишнинг этагини тутмоқда. Уюшма Россиянинг Тюмень электрускуналар ишлаб чиқариш заводи билан ҳамкорликда ишлайдиган қўшма корхона қуришни режалаштирмоқда. Корхона ишга тушгач уй-рўзғор анжомлари, электр двигателлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилади.

Хуррам РАЙИМОВ.

УН КОМБИНАТИ ИШ БОШЛАДИ

● Вобкент туманидаги «Пахтакор» жамоа хўжалиги меҳнаткашлари яна бир қулайликка эга бўлдилар. Хўжаликда ун комбинати ишга тушди.

Ўзининг сут заводи, тикув цехига эга бўлган бу хўжаликдаги учинчи кичик корхона бир кеча-кундузда 12 тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга.

БОЛАЛАР ПАЙПОҚҚА ЁЛЧИШАДИ

● «Нафиса» ҳиссадорлик корхонасида болалар пайпоғи ишлаб чиқарила бошланди.

Энди шофирконликлар корхонанинг ўн хилга яқин маҳсулоти қаторидан ўз болаларига бозор нархидан 30 фоиз арзон бўлган пайпоқлар сотиб олаётирлар.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

УНИВЕРСАМДА ТИКУВЧИЛИК

● Иқтисодий заруратдан келиб чиққан ҳолда Урганч Марказий универсал дўкони эндиликда савдо ишлаб чиқариш корхонасига айлантирилди.

Дўконнинг иккинчи қаватининг бир қисми тикувчилик цехи учун ажратилди. Бу ерга 10 та тикув машинаси ўрнатилиб, унда мураккаб бўлмаган, аммо харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу маҳсулотлар тез орада савдога чиқарилади. Цехда тикиладиган кўрпа-ястиқ жилдлари, чойшаблар, мебель ёпқичлари республиканинг бошқа жойларидан келтирилаётган ана шундай товарлардан анча арзонга тушмоқда. Бундан ташқари бу ерда полос ва гилам цехлари ҳам барпо этилди. Дастлабки маҳсулотлар савдога чиқарила бошланди.

Қ. МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Бугун—Жаҳон саломатлик куни*

«ОҒРИҚ НУҚТАЛАР...» ДАВОСИ ТОПИЛАРМИКАН?

Уйлаб қаралса, ҳамма хасталикнинг индаллоси, бошланиши оғиз бўшлиги, тишларимизнинг соғломлигига боғлиқ. Очиғи, стоматологик касалликлар кишн ҳаётига тўғридан-тўғри хавф солмаганлиги сабабли ҳам ташкилотлар, раҳбар ходимлар бу соҳага етарли аҳамият бермай келишди. Иттифоқнинг парчаланиб кетиши стоматологик корхоналарни керакли асбоб-ускуна ва хом ашёлар билан таъминлаш масалаларнин жуда мураккаблаштириб юборди. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни эса бу соҳанинг янада тарқоқланишига олиб келди. Стоматологиянинг том маънодаги обрўйини ўрнига қўйиш, уни жаҳон стоматологияси даражасига кўтариш бугунинг муҳим муаммосидир .Зеро, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотнинг бу йилги саломатлик кунини «Соғлом тишлар — саломатлик гарови» деб белгилагани ҳам бежиз эмас.

Суҳбатдошим билан танишинг:

Умарали Мирзаалиевич НАБИЕВ, 1953 йилда туғилган, оилали, уч фарзанди бор. Ўзбекистон стоматологлар ассоциацияси вице-президенти, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бош стоматологи. АҚШдаги Вашингтон штатининг Дентеслар ассоциацияси фахрий аъзоси. Қатор илмий мақолалар муаллифи.

— Умарали ака, суҳбатимизни бугунги кунда халққа стоматологик хизмат кўрсатишнинг аҳволи қай даражада эканлигидан бошласак.

— Бажонидил. Аслида стоматологик ёрдам кўрсатишнинг ўзи дунё халқлари олдидаги муаммолардан биридир. Бу ҳақда хизматнинг ҳажми, давлатлардаги стоматологларнинг сони, давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг ҳажми билан фикр юритиш мумкин. Қолаверса, мазкур хизмат амбулатория тиббий ёрдам ҳажмининг энг кўп қисмини ташкил қилади. Европа мамлакатларида ҳар уч беморнинг бири шундай хизматга муҳтождир. Бу мамлакатларда ҳамма шифокорларнинг 25 фоизини тиш шифокорлари ташкил қилади. Стоматологик ёрдам ҳар бир давлатдаги ижтимоий-сиёсий аҳволга чамбарчас боғлиқ. Уни бошқариш жуда катта аҳамиятга эга. Фақат илмий асосга эга методологик бошқариш усули билан бу хизматни йўлга қўйиш мумкин. Ўтган асрнинг 80-йилларигача ривожланган давлатларда стоматологик ёрдам хусусий сектор орқали юз фоиз ҳақини тўлаш қабилида кўрсатилган бўлса, кейинроқ суғурта тизими ташкил қилинди .Мазкур тизим ҳозирги кунда ҳам дунёдаги асосий системалардан биридир. Фақат асримиз бошларидагина стоматологик ёрдамнинг жамият шакли амалга оширила бошланди. Дастлаб Германияда, сўнг собиқ СССРда стоматологик хизмат кўрсатишнинг дунёда биринчи умумдавлат тизими ташкил қилинди. Бизнинг мустақил ёш мамлакатимизда ҳозиргача хизматнинг ана шу умумдавлат тизими давом этяпти. Бироқ, очиғини тан олиш керакки, бозор иқтисодиёти шароитида мазкур тизим инқирозга юз тутмоқда.

— Буни қандай тушунса бўлади?

— Биласизми, бугунги кунда стоматологик ёрдам асосан давлат поликлиникаларида кўрсатилмоқда. Аммо хусусий хизмат тизими ҳам пайдо бўлди. Кўпчилик жойларда етарли маълумот бўлмаганлиги учун стоматологик кичик корхоналарда ёки хусусий стоматологик хоналарда ишлаш учун туман ҳокимиятларининг қарорлари чиқарилиб, рухсат берилмоқда. Хусусий тажриба билан шуғулланувчи шифокорларнинг ҳуқуқ ва вазифалари шу пайтгача қонун билан белгилаб қўйилмаган. Бизда ҳукм сураётган тиббий ёрдам умумдавлат мажбурий суғурта системаси бўлса ҳам, хусусий муассасаларга мурожаат қилиб борган беморлар мажбурий суғуртадаги ўз ҳақларидан фойдаланмай, бундай ёрдам учун юз фоиз ҳақ тўлашга мажбур бўлмоқдалар. Бу «оғриқ нуқталар» — муаммоларнинг келиб чиқиши соғлиқни сақлаш тизимидаги, жумладан, стоматология соҳасидаги ислоҳотлар умумий иқтисодий ислоҳотларга нисбатан орқада қолиб кетганлигидандир. Шу боис, менимча, ўтиш даврида ҳамма соҳаларда босқичма-босқич жадаллик билан ислоҳотлар ўтказиш лозим.

— Сизнингча бу ислоҳотни қандай ўтказиш мумкин?

— Асосий вазифамиз мамлакатимиз стоматологиясини изчиллик билан ўрганиб, керакли таҳлиллар асосида стоматологиянинг бугунги аҳволи ва уни ривожлантиришнинг концепцияси, стратегик режасини тузишдан иборатдир. Мақсадга эришиш учун тактикамиз қандай бўлиши, ким қайси вазифани бажариши лозимлиги белгилаб берилиши даркор. Тиббиётнинг, жумладан, стоматологиянинг тартибсиз ривожланишининг олдини олиш келажаги буюк давлатимиз учун муҳим аҳамиятга эга.

— Умарали ака, шаҳар бош стоматологи сифатида ўзингиз қандай ишлар олиб боряпсиз?

— Худди шундай савол берсангиз керак, деб ўйлаб тургандим. Гапни бироз олдиндан бошласам. 1989 йилда биродарлашган шаҳарлар борди-келдисига кўра Сиэтл шаҳрида бўлдим. Шу сабаб бўлди-ю у ердаги ҳамкасблар билан яқин алоқа ўрнатдик. Улардан вакиллар келди, ишимизни ўрганишди, бир қанча муддат шу ерда ишлашди. Ўтган йили Сиэтлдаги Дентеслар ассоциацияси таклифига биноан бир ой у ерда бўлиб, яна кўп тажриба орттирдик. Умуман америкалик стоматологлар билан яқин алоқа ўрнатганмиз, АҚШдаги машҳур компания билан қўшма корхона тузиш ниятимиз бор. Яқинда шу компания президентининг Тошкентга келиши кутиляпти. Америкадаги яна бир компания билан қўшма корхона ва ўқув маркази тузиш мўлжалланган. Шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси томонидан ўтган йили стоматология хизматининг аҳволи чуқур таҳлил қилиниб, шифохоналарни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, болалар стоматологиясини яхшилаш тўғрисида бу йил ва келажакка режалар тузилган. Шунингдек, бундан уч йил илгари жамоатчилик асосида тузилган республика Стоматологлар ассоциацияси ҳам шу соҳада йиғилиб қолган иқтисодий, маънавий ва ташкилий жумбоқларни ҳал этишда анча хайрли ишларни амалга оширмоқда.

— Чуқурроқ эътибор берилса, тиббиётда ғалати-да ҳаммаси бир-бирига боғлиқ. Болалар ўлими, оналар хасталиги ҳақида кўп гапирамиз. Бироқ шуларга кўп ҳолларда оддий бир тишнинг халқ тили билан айтганда «қуртлаши» сабаб бўлишини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз.

— Гапингиз жуда тўғри. Тишнинг касалланиши аъзоларнинг аста-секин хасталанишига сабаб бўлиши ва вақти келиб бу инсон ҳаётига хавф солиши аниқ. Дунёдаги талай мамлакатларда тиш қуртлаш — кариес билан касалланиш юз фоизга етган. Бунга асосий сабаблардан бири ширинликни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилинганлигидир. Яна бир гуруҳни милк хасталиклари— породонтит ташкил қилади. Касалликнинг кейинги гуруҳи — ортодонтик аномалиялар, яъни тиш ва унинг қаторининг нормадан чиқиб, қийшайиб кетиш хасталигидир. Халқ ўртасида бу касалликнинг тарқалиши ўттиз фоизни ташкил этади. Тишларнинг «қадрига етиш», бугунги иқтисодий қийинчиликлар даврида касалланишнинг олдини олиш — профилактика ишларига алоҳида аҳамият бериш талаб этилади. Агар айниқса, эрталаб оғизда бемазалик сезилса, албатта тиш, милкда ёки қўйдирган тишларда касаллик ёхуд камчилик бўлади. Шундай кезда зудлик билан тиш шифокорларига мурожаат қилиш лозим. Умуман, ҳеч нарса безовта қилмаса-да, имкон топиб, вақти-вақти билан тишларни шифокор назоратидан ўтказиб туриш фойдадан холи эмас.

— Шифокорлар ҳамиша дарднинг олдини олишни яхши кўришади-да. Шу таомилни четлаб ўтгингиз келмади, чоғи. Маслаҳатларингиз учун раҳмат, саломат бўлинг.

Суҳбатни «Ўзбекистон овози»нинг мухбири Умида ФАЙЗИЕВА олиб борди.

Шифокор огоҳлантиради

КЕЙИНГИ ПУШАЙМОН...

Республикамиз ҳудудида шакли, катта-кичиклиги ва озиқланиш усулига кўра қўзиқоринларнинг уч юзга яқин тури бўлиб, улардан 25 хили истеъмол қилишга яроқли. Заҳарли қўзиқоринлар гуруҳига рангпар қурбақа салласи, қизил ва кул ранг мухамор, шайтон ва сафро қўзиқоринлари, кўпгина заҳарли турларни ўзига олган лепнота туридаги қўзиқоринлар киради.

Ҳозирги кунда қўзиқоринлардан заҳарланиш ҳоллари кўп учрамоқда. Лепнота туридаги қўзиқоринлардан заҳарланишда беморда кўнгил айниш, қайт қилиш, қорида оғриқ, кучли ҳолсизланиш, ич кетиш, жигарнинг заҳарланиш ҳоллари намоён бўлади. Оқ қурбақа салла қўзиқорини ҳам истеъмол қилинганда орадан кўп ўтмай заҳарланиш аломатлари пайдо бўлади. Рангпар қурбақа салласидан заҳарланиш эса кўпчилик ҳолларда ўлимга олиб келади. Бу қўзиқорин таркибида фаллоидин ва аманитин каби заҳарли моддалар бўлиб, ҳар иккиси ҳам жигар ва буйракни кучли жароҳатлайди. Уй шароитида тайёрланган қопқоғи зич ёпилган идишдаги янги консервалланган қўзиқоринлар катта хавф туғдиради. Ботулизм касаллиги билан хасталанганларнинг аксарияти ана шундай усул билан тайёрланган қўзиқоринларни истеъмол қилган кишилардир. Қўзиқоринлар ўсиш даврида тупроқда яхши сақланувчи ботулизм микроблари билан ифлосланиши мумкин, улар консервалашдан олдин ювилганда ҳам бу микроблардан яхши тозаланмайди. Шунинг учун қўзиқоринларни консервалаш тавсия этилмайди.

Ҳар қандай ҳолда ҳам қўзиқоринлардан заҳарланишда ёки унга гумон қилинганда зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш ёки беморни шифохонага элтиш керак. Касалликнинг дастлабки аломатлари қай даражада оғирлигидан қатъи назар даволаш қанчалик тезроқ бошланса, даволаниш шунчалик осон кечади.

Кейинги кунларда ёққан ёмғирлар туфайли Тошкент шаҳридаги ҳиёбонлар, майдонларда ёввойи ҳолда ўсувчи қўзиқоринлар кўплаб чиқмоқда, уларнинг аксарияти зарарлидир. Саломатлигингизни йўқотиб, пушаймон егандан кўра қўзиқоринларни умуман истеъмол қилмаганингиз маъқул.

С. САЙДАЛИЕВ,
Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология станцияси ходими.

• *Китоб жавонингизга*

СЎЗЛАРНИ БАҲОРДАН ОЛГАН

Рустам Очил ЖАЙХУН ҚУШИҒИ

Асли касби мироб бўлган Рустам Очилнинг «Дарё бу кўнгил» деб номланган илк китоби чиққанига ҳали кўп бўлгани йўқ. У Қаршидаги «Насаф» нашриётида чоп этилган. Китоб саҳифаларидаги шеърларни ўқиркансиз шоир изтироблари Сизга кўчади.

Ҳижронларда қоврилди таниям,
Кўпирмоқда томирда қоним,
Қийналмоқда Сенсиз бу жоним,
Ошиқ бўлиб кўргин, биласан.
Дўстим, мендан нега куласан?

Ўқувчисини бир зум хаёлга толдирган шоир. Ўзиниям, китобхонниям ҳар хил ўйдан озод этади. Янги ташбеҳларга уни ошно қилиб қўяди.

Соғинганда севган ёримни
Аламини тонгдан оламан.

Шоир «Аламини тонгдан олиб» бўлди. Фалсафий, дунёвий мушоҳадаларга бой «Жайхун қўшиғи» китоби шунинг меваси ўлароқ дунёга келди.

Қизғалдоқ шамолда тўкди баргини,
Хаёлим баҳорда тандан бегона,
Сўзлагиси келар унга дардини,
Табиат ошиғи Рустам девона.

«Ёзувчи» нашриётида чоп этилган «Жайхун қўшиғи» энди-энди қўлдан қўлга ўтмоқда. Тўпламда юракка «жиз» этиб уриладиган битиклар кўп.

Рози эдим ишрга бўлсам,
Қора Зулфинг бир бор ўпмоққа.
Посбон бўлиб кўриклаб турсам,
Қулоғингга ишқим қуймоққа.

Чўлда яшаган инсон ўзига бошпана, дов-дарахт излайди. «Жайхун қўшиғи»ни тинглаган Рустам Очил эса Таллимаржон ёбонларидан шеърларига сермаъно сўзлар, чиройли ўхшатишлар қидиради.

Ям-яшил далалар чорлар ўзига,
Лолалар алвондек сепини ёйган.
Ишонинг сиз бугун шоир сўзига
Шеърига сўзларни баҳордан олган.

Қувончлиси шуки, Қашқадарёда яна бир шоир туғилди. Унинг китоби — «Жайхун қўшиғи» сизга тортиқ. Яхшиси, юз эшитгандан, бир кўрган афзал.

Қурбон АЛИ.

ЙЎЛ РАВОН— КЎНГИЛ ЧАРОҒОНМИ?

Чет давлатлардан келтирилаётган, чиқарилаётган замонавий транспорт воситалари республика ҳудудидаги автомобиль йўлларида ва ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашда юқори талаблар қўймоқда.

Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобиль назорати, Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси, «Ўзавтойўл» концерни, «Ўзавтотранс» корпорацияси ҳамда йўлга алоқадор ташкилот ва корхоналар ходимлари билан биргаликда халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари ва темир йўл чорраҳаларини кўрикдан ўтказганда, автомобиль йўллари амалдаги меъёрий ҳужжатлар ва замон талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги ҳамда ҳаракатланиш хавфсизлигига салбий таъсир этувчи кўпгина камчиликлар мавжудлиги аниқланди.

Масалан, халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларда йўл белгилари, муҳофазаловчи тўсиқлар етишмаётганлиги, кўприк ва сув ўтказувчи қувурлар меъёрий ҳужжатлар талабига зидлиги, пиёдалар йўлкалари қурилиши зарурлиги, йўл марраларига ишлов берилмаганлиги, йўлнинг қатнов қисми кенгайтирилмаганлиги маълум бўлди.

Ўтган йили республикамизда 12628 та йўл транспорт ҳодисаси содир этилиб, унда 2153 киши ҳалок бўлган ва 13763 киши тан жароҳати олган. Шундан фақат йўл айби билан содир этилган ҳодисалар сони 492 та бўлиб, унда 102 киши ҳалок бўлган ва 541 киши тан жароҳати олган.

«Ўзавтойўл» концерни, Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимидаги ҳамда бошқа йўлга алоқадор бўлган корхона ва ташкилотлар томонидан автомобиль йўлларни сақлаш ва фойдаланишда бажарилаётган ишларни тубдан ўзгартириш лозим. Чет эл давлатларининг автомобиль йўлларни қуриш, таъмирлаш ҳамда уларни яхши ҳолатда сақлашдаги тажрибаларини ўрганиш пайти келди.

Ҳаммага маълумки, темир йўл чорраҳаларида содир этилган йўл транспорти ҳодисалари энг мудҳиш оқибатларга, яъни одамлар ҳалокати ва оғир тан жароҳатларига олиб келади. Бундан ташқари, халқ хўжалиги ва фуқаролар манфаатига катта моддий зарар етказилади. Республикамиздаги темир йўл чорраҳаларида кўплаб йўл транспорт ҳодисаси содир этилиб, унда 16 киши ҳалок бўлган ва 43 киши тан жароҳати олган.

Бундан ташқари, темир йўл бўлинмаларининг мансабдор шахсларига нисбатан Давлат автомобиль назорати томонидан ёзма кўрсатмалар берилиши ҳамда уларни маъмурий жавобгарликка тортилишига қарамай аҳвол йилдан-йилга ёмонлашиб бормоқда. Ўрта Осиё темир йўллар бошқармаси тизимидаги бўлинмаларнинг раҳбарлари ва мутасадди ходимлари темир йўл чорраҳаларининг ҳолатини тубдан ўзгартириш чораларини кўришлари зарур.

Ўтган йил давомида ҳаракатланишни тартибга солувчи техник воситалар назорат текширувидан ўтказилди. Натижада, мақсадга мувофиқ бўлмаган, нотўғри ўрнатилган, ўз аҳамиятини йўқотган йўл белгиларидан 3727 та(шу жумладан, юқори тезликни чегараловчи белгилар—417) тақиқловчи, 1571 та огоҳлантирувчи, 801 та ахборот берувчи ҳамда 584 та кўрсатувчи йўл белгилари фойдаланишдан олиб ташланди.

Яроқсиз ҳолатга келган йўл белгилари эса алмаштирилди. Йўлларда ҳаракатланиш ҳавфсизлигини таъминлаш талабига тўлиқ жавоб бермайдиганлари амалдаги жорий этилган тартибда тикланди.

Натижада вилоятлар ҳудудидаги кўпгина автомобиль йўллар ва айниқса, Тошкент шаҳрида транспорт воситаларининг ҳаракатланиши анча тартибга келтирилди.

Республикамизда ҳаракатланишни тартибга солувчи техник воситаларни ишлаб чиқариш тўлиқ йўлга қўйилмаган пайтда, светофор кўзгулари ҳамда йўл белгиларини айрим шахслар томонидан синдириб, қўпориб ташлаш ва автомобиль йўлларини рухсатсиз қазиш ҳоллари учрамоқда. Шу сабабли автокорхона ҳайдовчилари, маҳалла аҳли ҳамда мактаб ўқувчилари орасида муттасил тушунтириш ишлари олиб бориш жуда зарурдир.

Ҳозирги вақтда жорий этилган «Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарликка тортиш ҳақида»ги қонунда бундай қоидабузарликларга йўл қўйган шахсларга 10 мингдан 30 минг сўмгача жарима солинади.

Албатта, автомобиль йўлларининг сифати ҳар бир давлатнинг кўрки ҳисобланади. Ҳозирги пайтда йўлларга тўланадиган транспорт солиқлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 март «Транспорт солиғи ҳақидаги фармойиши»га асосан жойлардаги йўл фондига ўтказилади. Ўлар йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга, йўлларга хизмат кўрсатишга ва таъмирлаш ишларига сарфланади.

А. ВАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ДАНБ йўл назорати бўлими бошлиғи, милиция подполковниги.

ЖАРЧИНОМА

БАШОРАТЧИЛАР ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

Мунажжимлар, башоратчилар, раммоллар, футурологлар, руҳий мулоқотчилар ва бошқа ноёб хислат эгалари диққатига!

Мана, узоқ давом этган таназзул давридан кейин таъқиб ва тазйиққа учраб келган кўҳна илм ва таълимотлар расмий фанлар қаторидан ўрин ола бошлади. Эндиликда заҳматкаш халқимиз жонбоз юртбошимиз ва ҳукуматимиз раҳнамолигида буюк аждодларимиз яратган бебаҳо маданий-маънавий меросдан куч-қувват ва руҳий озуқа олиб, мустақиллик ва истиқлолимиз туфайли юзага келган мураккаб, аммо шарафли тарихий жараён — янги давлат барпо этиш йўлида ўз қалбини, онгу шуури ва руҳий оламини бутун дунёга намоён этаётир. Коинот миқёсида қулоч ёзаётган инсон тафаккурининг илми илоҳий, илми ғайб, илми калом, тасаввуф сингари оламшумул соҳаларга тобора кўпроқ эҳтиёж сезаётгани ҳам ана шулар туфайлидир.

Бу таълимотларнинг ўтмишда тутган муносиб ўрни ва бундан кейинги илмий ва амалий аҳамиятини кўзда тутиб, «Сирли олам» ойномаси ва унинг иловаси «Қалб кўзи» жаридаси муассисларимиз—Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи марказий қўмитаси ва Мирзо Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаш жамғармаси билан ҳамкорликда илк марта жумҳуриятимизнинг яқин келажак-истиқболини олдиндан кўра билиш бўйича мунажжимлар, башоратчилар, раммоллар, футурологлар, руҳий мулоқотчилар ва бошқа ноёб хислат эгалари

ТАНЛОВИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ушбу танлов буюк алломамиз Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланади.

Башоратларда жумҳуриятимиз ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалари ҳамда моддий-маънавий дунёмизнинг зоҳирий ва ботиний жиҳатлари ҳақида соғлом ва холис фикр юритилиши, улар замонавий илму фан (мантиқ, риёзиёт, кибернетика каби) ёхуд илми ғайб, илми нужум (астрология), футурология, ўта ҳиссий шуур (парапсихология), экстрасенсорика сингари кўҳна ва навқирон билимлар асосига қурилган бўлиши керак.

Танлов икки босқичда ёпиқ тарзда ўтказилади. Биринчи босқичга шу йилнинг апрел-сентябрь ойларида кечажак воқеа-ҳодисалар, билан боғлиқ башоратлар киради. Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллигига бағишланган бу босқичга октябрь ойида якун ясалади. Иккинчи босқич эса, 1994 йилнинг октябрь-декабрь ҳамда 1995 йилнинг январь-март ойларида бўлиб ўтиши кутилаётган воқеа-ҳодисаларнинг башоратларига бағишланади. Иккинчи босқичга келгуси йил умумхалқ байрами — Наврўз арафасида якун ясалади.

Башоратларни ҳар томонлама ўрганиш, саралаш ва баҳолаш билан мўътабар ва обрўли ҳакамлар ҳайъати шуғулланади.

Башоратлар ва улар билан боғлиқ барча ҳужжатлар биринчи босқичга — шу йилнинг 31 май кунигача, иккинчи босқичга эса — шу йилнинг 31 октябригача қабул қилинади.

Истиқболда кечажак воқеа-ҳодисалар ва уларнинг муддатини аниқ башорат қилганликлари амалда тасдиқланган тақдирда, ғолибларни қуйидаги мукофот ва совринлар кутади:

I МУКОФОТ, 1 та — 3 млн сўм;
II МУКОФОТ, 2 та — 1,5 млн. сўмдан;
III МУКОФОТ, 3 та — 1,0 млн. сўмдан.

Шунингдек, 10 та рағбатлантирувчи совринларимиз ҳам ғолибларимизга мунтазирдир.

Танловда миллати, дини, касби-кори ва ёшидан қатъи назар башорат қилишга ўзида мойиллик сезган ҳар бир юртдошимиз ва қардош давлат фуқароси иштирок этиши мумкин.

Танлов якунлангач, энг ҳаётий башоратлар «Сирли олам» ойномаси ва «Қалб кўзи» жаридаси саҳифаларида эълон қилинади.

Башоратларга қўшимча тарзда исми-шарифингиз, миллатингиз, ёшингиз, иш жойингиз, касбингиз ҳақида ҳам аниқ маълумотлар жўнатишни унутманг.

Манзилимиз: Тошкент. 700113, Қатортол кўчаси, 60. «Сирли олам» ойномаси қошидаги башоратчилар танлови ҳакамлар ҳайъати.

Башоратчилар танловига шошилинг, азиз мухлисларимиз!

«СИРЛИ ОЛАМ» ОЙНОМАСИ МУҲАРРИРИЯТИ.

ҚУТЛОВ

Меҳрибон отамиз Тўра Жўраевич ЭШҚОБИЛОВни 50 ёшга тўлишлари муносабати билан чин қалбдан табриклаймиз.

Отажонимиз Самарқанд тиббиёт олийгоҳида ўқитувчи, доцент, декан муовини лавозимларида қарийб 32 йилдан буён самарали меҳнат қилиб, шу давр ичида кўплаб шогирдлар тайёрлади. Халқ хўжалигига малакали кадрлар — етук тиббиёт ходимларини етказиб беришдек эзгу ишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Доимо бахтимизга омон бўлинг! Педагоглик фаолиятингизга муваффақият, оилавий турмушингизга бахт-саодат тилаб, эҳтиром билан:

Отангиз, укангиз — Эшмамат, келинингиз — Хушвақт, невараларингиз: Гулноза, Нурбек, Шаҳринисо, Моҳинур.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Ўзшаҳарлараро автотранс» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси Наманган транспорт экспедиторлик корхонасининг раҳбари Икромжон Ўрмоновга волидаи муҳтарамаси

Меҳринисо ая МИРАЗИЗШОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Турон» республика санаторийси жамоаси шу санаторий Бош шифокорининг ўринбосари Абдуҳаким Нишоновга падари бузруквори, 2-гурух уруш ногирони

Нишон ака МАМАРАҲИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир: Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Асриддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОГУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршараф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Оснё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Маҳкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-78.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-37-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Оснё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58,83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—890 тир. 85501. топширилди— 23.00
Навбатчилар: Ҳ. НОСИРОВ, А. РЎЗИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.